БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 5 декабрь Чоршанба
№ 232 (13.668)
Баҳоси 3 тийин

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Жумҳурият янгиликлари

● МУХТОР жумҳурият пойтахтида «Қарақалпакинторг» чет мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик уюшмаси ишлай бошлади. У «Ўзбекинторг»нинг Нукусдаги ваколатхонаси негизида ташкил этилди.

— Ташқи иқтисодий алоқалар амал қилишининг янги воситаси уларнинг муайян даражада маҳаллийлаштиришини кўзда тутади, — дейди уюшманинг бош директори, иқтисодиёт фанлари номзоди М. Мамбетназаров. — Шу муносабат билан Қорақалпоғистонга чет эллик шериклар билан шартномалар тузиш учун ҳуқуқий мақомга эга бўлган ташкилот зарур. Шунинг учун ҳам мухтор жумҳурият Вазирлар Кенгаши ҳузурида ана шундай бўлинма тузишга қарор қилинди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши, амалий алоқалар боғланиши ўлкадаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Қорақалпоғистон МССЖ ҳукумати мухтор жумҳуриятнинг барча вазирликлари, муассасаларига, ижроия қўмиталарига уюшма ўз олдида турган вазифаларини бажаришида унга ҳар томонлама ёрдам беришни топширди.

● ЖУМҲУРИЯТ Енгил саноат вазирлиги Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилик цехида меҳнат қилаётган уста Дилора Абибуллаева бошлиқ ёшлар бригадасининг ишчиларига Шоҳимардондаги сайёҳлар масканида дам олиш учун бепул йўлланмалар берилди.

Бригадада 32 нафар қиз ишламоқда. Қизлар асосан эркаклар учун устки кийимлар тикишади. Бригада аъзоларининг асосий қисми бир-бирларига ҳар ишда ёрдам бериш. Жамоа бирлашмада биринчилардан бўлиб йиллик режани муддатидан олдин бажарди. Маҳсулот сифати хусусида бирор марта ҳам эътироз тушмади.

Ёшлар жамоаси ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, йил охиригача топшириқдан ташқари олти минг дона харидоргир шим тикишга қарор қилди.

● САМАРҚАНД вилоят ижроия қўмитаси халқаро тайёрагоҳ қурилиши учун 500 гектардан кўпроқ ер ажратди. Бу тайёрагоҳ Самарқанддан 20 километр нарида кўҳна Чархин қишлоғи яқинида жойлашади.

Лойиҳачиларнинг, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ишлай оладиган тайёрагоҳ қурилишига маблағ сарфлашга тайёр турган жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги корхоналарнинг режаларига кўра бу ерда биринчи даражали учиш-қўниш йўлкаси, кенг аэровокзал биноси, меҳмонхона комплекси барпо этилади. Техник мақсадлар учун хизмат қиладиган объектлар ўнлаб миллион сўм сарфланишини талаб қилади. Табиийки, халқаро тайёрагоҳ тайёраларни қабул қилиш учун мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Чархин яқинидаги халқаро тайёрагоҳ эркин иқтисодий зонага айланади, деб тахмин қилинмоқда. Шунда жаҳондаги кўпгина аэрокомпаниялар тайёралари тўғридан-тўғри кўҳна Самарқанд заминига учиб келиши мумкин бўлади.

● ЎРТА ОСИЁ темир йўли бошқармасининг буйруғи билан Қаршидаги локомотив бригадасининг аъзолари «Ҳаракат хавфсизлиги учун» нишонлари билан тақдирландилар. Буйруқда таъкидланишича, бригада «авария ҳолатини бартараф этишда шошилинч ҳаракат қилган». Бу воқеанинг тафсилотларини «Среднеазиатская магистраль» рўзномаси хабар қилган.

Бу воқеа Душанбе темир йўл бўлимининг Навшаҳар станцияси яқинида юз берди. 79.йўловчи поезди соатига 85 километр тезлик билан Навшаҳардан Шерободга кетаётган эди. Машинистлар кутилмаганда тепловоз «енгилроқ» юра бошлаганини сезиб қолишди. Улар бунинг сабабини дарҳол аниқлашди: секция уланган жой «ўз-ўзидан ажралиб» қолган экан. Етакчи секцияда тормоз системаси ишдан чиққан. Бригаданинг юксак маҳорати, у қабул қилган ягона тўғри қароргина авариянинг олдини олди. Ваҳоланки, составда 23 та вагон бор эди.

Оғир вазият юзага келишига нима сабаб бўлди? Бу ҳодисани текширган мутахассислар мосламанинг қисмлари ейилиб кетгани, ҳаво қувурлари системасининг бузилгани туфайли ажралиб қолган деб ҳисоблашмоқда. Хайриятки, ҳаммаси яхши тугади. Лекин оқибат ўзгача бўлиши ҳам мумкин эди.

(ЎзТАГ мухбири).

Ибратли ишлар



ШИРИНГУЛ — ФЕРМЕР

Уч-тўрт йил муқаддам фермер сўзини фақат чет элликларга нисбатан ишлатардик. Шунда ҳам кўпинча салбий маънода. Эндиликда вақтли матбуот нашрларининг деярли ҳар иккинчисида фермер сўзини учратамиз. Қизиғи шундаки, чет элники эмас, балки совет фермерлари ҳақида.

Ширингул Алиева оиласида қорамол боқиб, давлатга гўшт ва сут топшира бошланганига ҳам тўрт йилдан ошди. Дастлаб оила пудрати, оилавий ёрдамчи хўжалик, яна аллақанча номлар билан атаб кўришди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ичида қаршилик қилувчилар ҳам топилди. Аммо чорвадор оилада туғилиб ўсган Ширингул аҳдидан қайтмади. Ёрдам ўрнига таъқибга учраса ҳам севимли ишини давом эттирди.

— Бугунги кунда фермерлик ҳаракати мамлакатимиз бўйича кенг қулоч ёзмоқда, — дейди у. — Ушбу хайрли юмушни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз қатор қарорлар қабул қилди. Жумҳуриятимиз Президенти ўз фармонлари билан фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Афсуски,муҳим ҳаётий ишга қуйи звено раҳбарлари жиддий эътибор бермаяптилар. Натижада кўплаб фермер хўжаликлари аҳволи ночор. Ишни бошлаб қўйиб, орият учунгина, мол боқишаяпти холос.

Ширингулнинг гаплари тўғри. У маълум тажрибага, маблағга эга. Шу боис хўжалигини мустаҳкам ушлаб турибди. Бу йил фермерлар оиласи Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигига 100 тонна сут, 30 тонна гўшт топширди. Собир Раҳимов номли давлат хўжалигига 50 тонна гўшт етказиб бериш ҳақида улар билан шартнома тузган.

Йил бошида Охунбобоев номли, «Уч қаҳрамон», С. Раҳимов, Ҳ. Олимжон номли давлат хўжаликларида истиқомат қилувчи бир неча оила Ширингул билан ҳамкорликда фермер хўжалиги тузиш таклифи билан чиқдилар. Ўзаро шартнома асосида ишлашга келишиб олинди. Ҳозир Ширингул бошлиқ фермерлар ишни ҳар томонлама жонлантириш учун ҳаракат қилишмоқда.

Е. БОТИРОВ.

2-бетга қаранг!

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЙЎЛИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ССЖИГА ЮБОРИЛАЁТГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ДОРИ-ДАРМОНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев «Инсонпарварлик ёрдами йўли билан чет эллардан ССЖИга юборилаётган озиқ-овқат ва дори-дармондан фойдаланишни ташкил этиш ҳақида»ги фармойишни имзолади.

Шу мақсадда марказий комиссия тузилди, бу комиссия ўз фаолияти ҳақида ССЖИ Президентига ҳисоб беради. ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин комиссия раиси этиб тасдиқланди. Комиссия таркибига ҳокимият ва бошқарув идораларининг, жамоатчиликнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларининг вакиллари киритилади.

Комиссияга олинаётган дори-дармон ва бошқа молларни ташиш ҳамда тақсимлашга оид барча аниқ масалаларни ҳал этиш топширилган. Бу ёрдам биринчи навбатда тиббиёт муассасаларига, болалар уйларига ва қарияларнинг уйларига, офатлардан азият чеккан ноҳияларга юборилиши керак.

(ТАСС).

Халқаро ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

3 декабрь куни Тошкентда Осиё—Тинч океани минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳамда икки томонлама муносабатлар муаммоларига бағишланган Совет — Жанубий Корея конференцияси очилди. Уни ССЖИ Фанлар академияси жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар илмгоҳи, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг иқтисодиёт илмгоҳи билан Корея жумҳурияти халқаро тадқиқотлар илмгоҳи ташкил қилди.

Муҳокама қилинаётган муаммолар орасида Осиё—Тинч океани минтақасида мустаҳкам тинчликни сақлашнинг самарали йўлларини излашдан ташқари иқтисодий ҳаётдаги ҳамкорлик истиқболлари масаласи ҳам бор. Жанубий Корея ишбилармонларининг вакиллари Ўзбекистон билан амалий алоқалар ўзаро фойдали бўлиши мумкин ва бўлиши керак, деб ҳисобламоқдалар.

— Ўзбекистон ўзининг юксак иқтисодий имкониятлари билангина эмас, шу билан бирга бу ерда икки юз мингдан кўпроқ совет корейслари яшаётганлиги ҳам бизни қизиқтирмоқда, — дейди Корея халқаро тадқиқотлар илмгоҳининг президенти Чонг Ки Чой. — Бу галги Тошкентдаги учрашув Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларга шубҳасиз янги омил бағишлайди. Делегациямизга йирик ишбилармонлар, фирмаларнинг, шу жумладан, саёҳат фирмаларининг эгалари аъзо бўлиб кирган.

ССЖИ Фанлар академияси жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар илмгоҳи директорининг ўринбосари Нодара Симония бошланган учрашув ҳақида шундай фикр билдирди:

— Маҳаллийлаштириш айрим жумҳуриятлар ва мамлакатимиз минтақаларининг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жанубий Корея ҳозир ҳар жиҳатдан қудратли мамлакат ҳисобланади. Шу боисдан Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги амалий алоқалар катта самара бериши мумкин. Шерикларимиз Тошкентга бежиз келганлари йўқ, улар одатдаги расмий тўсиқларсиз бевосита шартномалар тузишни хоҳлашяпти. Уларнинг бирдан-бир хоҳиши шундаки, шерикларимиз совет томони фаоллик кўрсатишини, ҳар томонлама ўйланган ва асосланган амалий таклифлар киритишини кутишяпти.

Жанубий Корея делегациясининг вазифаларидан бири Ўзбекистон имкониятларини ўрганишдан, ўзларининг бўлажак амалий шериклари билан танишишдан иборат. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси иқтисодиёт илмгоҳининг ходимлари ушбу конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жуда фаол қатнашдилар. Улар жумҳуриятимиздаги иқтисодий вазиятни жуда яхши биладилар, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйишда амалий ёрдам беришлари мумкин. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, илмгоҳ директори Омон Ҳикматов шу муносабат билан қуйидаги фикрни айтди:

— Учрашувга, назаримда, бир қанча қизиқарли таклифларни тайёрладик. Бу таклифлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий турмушимизнинг турли соҳаларига таалluқлидир. Халқ истеъмоли моллари, электрон техника ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузиш керак бўлади. Илмгоҳимиз билан Сеулдаги халқаро тадқиқотлар илмгоҳи ўртасида ижодий ҳамдўстлик тўғрисида шартнома тузиш имкониятларига доир масала жиддий ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда гап фақат истиқбол ҳақида кетаётгани йўқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ биргаликда фаолиятимизнинг самаралари кўриниб қолди. Жумладан, Жанубий Кореяда мутахассисларимиз тайёрлаган «Ўзбекистон иқтисодиёти, тарихи ва маданияти» китоби нашр этилади.

Тошкент конференциясининг қатнашчилари мазкур учрашув Жанубий Корея президенти Ро Де Унинг ССЖИга ташрифи арафасида ўтаётганини таъкидладилар. Иккала томон бу ташрифдан кўп нарсани кутишмоқда.

Жанубий Корея делегациясининг аъзолари жумҳуриятимиз пойтахтининг бир қанча корхоналари ва илмгоҳларида бўладилар, Ўзбекистонда ўзларининг иккинчи ватанига эга бўлган ватандошлари яшаб, меҳнат қилаётган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигига борадилар.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

Туркия маданият вазири Намик Камол Зейбек бошчилигидаги мазкур мамлакат делегацияси жумҳуриятимизда бўлган чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Меҳмонлар, жумладан, бадиий жамоалар ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтириш, концертлар алмашиш фаолиятини кучайтириш, телевизион кўрсатувлар айирбошлаш, биргаликда китоблар нашр этиш, турли матбаа маҳсулотларини чиқариш зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар. Улар Ўзбекистон ССЖ телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасида ва Ўзбекистон Алоқа вазирлигида бўлган учрашувларда ўзларининг аниқ-равшан таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Намик Камол Зейбек ва делегация аъзолари А. Ҳидоятов номли театрда «Келинлар қўзғолони» спектаклини томоша қилдилар, «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» дасталарининг ижоди билан танишдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар қадимий Самарқандга ҳам бордилар.

Туркия маданият вазирини Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ССЖ президентлик кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, жумҳурият маданият вазири Н. Е. Ғоибов, Ўзбекистон ССЖ давлат матбуот қўмитасининг раиси У. А. Абдураззоқов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

«Истиқбол»нинг истиқболлари

Избоскан ноҳия комсомол қўмитаси ҳузурида «Истиқбол» лойиҳалаш марказини ташкил этган ёш мутахассислар ноҳияда газлаштириш ва сув қувурлари тармоғи барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ўз малакали ёрдамларини таклиф қилдилар. Тайёрланган ҳужжатларда маҳаллий шароит ҳамда буюртмачилар — ноҳиядаги шахсий уй эгаларининг, муассасаларнинг, ташкилотлар ва хўжаликларнинг истаклари ҳисобга олинди.

Марказдаги ташаббускорлар фақат лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан чекланмасдан, шу билан бирга юртдошларига ўз режалари — ёшлар қурилиш-монтаж бригадалари ташкил этиш ниятини амалга оширишда ёрдам беришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ССЖИ Молия вазирлиги эслатади

МОСКВА. ССЖИ Молия вазирлиги билан Омонат банкидан ТАСС мухбирига хабар қилишларича, ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ 1957 йилгача обуна асосида тарқатилган давлат заёми облигацияларнинг эгаларига ҳақ тўлаш 1990 йилнинг 15 декабрида тугалланади.

(ТАСС).

Янги мармар кони

Букантов тоғ этакларида геологлар мармар конини топишди. Бу коннинг қанчалик катта эканлиги тўғрисида ҳозирча бирор гап айтиш қийин, лекин бу минтақа учун катта истиқболлар очиб бериши аниқ.

Расмий геологик фаразга кўра Букантов тоғ жинслари узоқ йиллар мобайнида мармарга айланган оҳактош деб ҳисоблаб келинган. Бундай оҳактошдан нари борса харсангтош сифатида фойдаланиш мумкин эди. Энди эса чинакам мармар қатламлари атайлаб қилингандек, оҳактош қатламлари остига «яширинганлиги» маълум бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).
Бухоро вилояти,
Учқудуқ ноҳияси.

Анжуман иш бошлади

МОСКВА. (ТАСС мухбири). Москва яқинида «Европа плюс Москва: давлат ва ёшлар сиёсатининг тажрибаси ҳамда истиқболлари» мавзуидаги халқаро анжуман иш бошлади. Унда АҚШ, Канада, Ғарбий ва Шарқий Европадаги мамлакатлардан келган 80 га яқин социолог, психолог, сиёсат ва жамоат арбоблари қатнашмоқдалар. Анжуман жаҳон социологик уюшмаси, ССЖИ Олий Кенгашининг ёшлар билан ишлаш қўмитаси, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, ССЖИ Давлат меҳнат қўмитаси, Ёшлар илмгоҳи илмий тадқиқот марказининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Анжуман қатнашчилари тўрт кун давомида жаҳондаги етакчи ювенологларнинг турли мамлакатларда ёшлар ҳаётига тааллуқли муаммолар ва уларни ижтимоий ривожлантириш истиқболлари, ёшларнинг сиёсий ҳаракатлар ва ислоҳотлардаги мавқеи, давлат ва жамоат муассасалари системасида уларнинг ўрни ҳақидаги маърузаларини тинглайдилар. Муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан мунозаралар ва семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Штаб тузилди

Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитаси жамоатчилик билан алоқа марказининг хабар қилишича, жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитасида иқтисодий жиҳатдан зарар етказишларга қарши курашиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини сақлаш, ташиш ва уларни сотишда тартиб ўрнатиш учун чекистлар хизмати ва бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қиладиган оператив штаб тузилди.

Бу иш ССЖИ Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида» 23 ноябрь куни қабул қилган қарорига мувофиқ амалга оширилди. Бу ишга жалб этилган Давлат хавфсизлиги қўмитасининг ходимлари ўз куч-ғайратларини жумҳуриятимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари билан биргаликда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар билан нормал таъминлашга халақит берувчи хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва уларнинг пайини қирқишга, чет эллардан етказиб бериладиган ва чет элларга юбориладиган молларни назорат этишга, бу масалаларда бошқарув органларига, вазирликлар ва идораларга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилгандир.

Хабарда Ўзбекистон фуқаролари жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитасини фаол қўллаб-қувватлашларига ва унинг мамлакат Олий Кенгашининг муҳим қарорини рўёбга чиқаришга қаратилган ишида амалий ёрдам беришларига умид билдирилади.

(ЎзТАГ).

Украинада янги партия

КИЕВ. (Укринформ — ТАСС мухбири). Украинада яна бир сиёсий куч пайдо бўлди. Украина демократик уйғониш партиясининг таъсис съезди ўз ишини тамомлади, унда партиянинг Устави ва дастурий тезислари тасдиқланди. Янги партияни асосан ўз вақтида КПССнинг демократик дастурида турган Компартиянинг собиқ аъзолари ташкил этишди. Уларга «эътиқодли партиясизларнинг» катта қисми келиб қўшилди.

Қабул қилинган дастурий тезисларда Демократик уйғониш партияси Украина давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация аниқ-равшан рўёбга чиқарилиши учун курашиши айтилади. У жумҳуриятнинг ўз ҳудудида хўжалик муносабатларини бошқаришга бўлган мутлақ ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бунга ўз валютасини, банк, молия-бюджет системасини, нарх белгилаш ва солиқ солишни, ташқи иқтисодий сиёсат, шу жумладан, божхонани вужудга келтириш киради. Партиянинг вазифалари қаторига фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги принципларини; мулкка ва корхоналарга эгалик қилиш фаолиятига бўлган ҳуқуқини, мулк барча шаклларининг, жумладан, хусусий мулкнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини рўёбга чиқариш каби вазифалари киради.

Съезд партиянинг раҳбар органларини сайлади. Мувофиқлаштирувчи кенгашга беш нафар ҳамраис бошчилик қилади.

Хонлар ноҳиясидаги фожиа

ХОНЛАР (Озарбайжон ССЖ). (Озаринформ — ТАСС мухбири В. Шульман). Жумҳуриятнинг Хонлар ноҳиясидаги Мартунашен қишлоғида рўй берган фожиа натижасида Озарбайжон милицияси ходимларидан тўрт киши ҳалок бўлди, уч киши жароҳатланди, икки киши бедарак йўқолди. Озарбайжон ССЖ Ички ишлар вазирлигининг аниқлашига қараганда, мазкур турар-жойда жамоат тартибини сақлаш юзасидан ўз бурчини бажараётган милиционерларга арман террорчилари ҳужум қилишган. Бошланган отишма чоғида ҳужум қилганлардан уч киши ўлдирилди, икки киши ярадор бўлди.

Қайта ҳужумнинг олдини олиш учун Хонларга жумҳурият Ички ишлар вазирлиги қўшимча бўлинмалар юборди, ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари билан биргаликда фавқулодда ҳолат эълон қилинган ерларда иш олиб бораётган ғайриқонуний бўлинмаларни қуролсизлантириш чоралари кўрилмоқда.

Воқеа содир этилган ерда ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг шошилинч тергов гуруҳи ишламоқда.

Табиий офат зарбасидан сўнг

ФРУНЗЕ, (ТАСС мухбири). Қирғизистоннинг Ўш вилоятида 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси ер қимирлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, зилзила натижасида 3 мингга яқин киши бошпанасиз қолди. Зилзила маркази Ўзган шаҳридан 20 километр шарқда бўлиб, унинг кучи 6,5 баллни ташкил этди. Қизилчорва, Салом-Алик, Оқтерак ва бошқа қишлоқларда 940 тадан кўпроқ уй-жойлар ва жамоат бинолари вайрон бўлди. Уларнинг 500 тасини энди тиклаб бўлмайди. Қурбонлар йўқ.

Зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан вилоят штаби тузилди, ҳукумат комиссияси ташкил этилмоқда. Вайрон бўлган қишлоқларга чодирлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур ашёлар юборилди.

Шу сонга хабар

Комсомол ва қайта қуриш

ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ

1985 йилнинг саратони. Омоннинг ноҳия комсомол қўмитаси иккинчи котиблигига сайланган илк дамлари эди. Мен уни «Нурота» давлат хўжалигида куйиб-пишиб юрганида учратдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Афғонда ҳалок бўлган бир йигитимиз хотираси учун мусобақа ташкил этмоқчи эдик. Шунга спорт анжомларини олиш учун хўжалик раҳбарларига кирувдим. Минг хил важ кўрсатишди. Майли, ёрдам бермаса бермасин. Барибир ўтказамиз — деди.

У пайтлари ҳали афғон масаласи мамлакатда бугунгидай ошкор қилинмаганди. Ҳали Афғонистонда йигитларимиз қони тўкиларди. Шундай бир пайтда Омон вилоятда биринчи марта «афғон» йигитларини эслади. Мусобақа яхши ўтди. Бироқ эртасига ноҳия фирқа қўмитаси котиби Омонни ўз ҳузурига чақиртирди. Одатдагидек «Т» шаклидаги стол бошида хўмрайиб ўтирган котиб Омоннинг саломига алик ҳам олмади.

— Нима қиласиз, йўқ нарсаларни ноғора қилиб. Шартмиди, мусобақани «Афғон хотираси», деб аташ.

Омон фирқа котибидан буни кутмаганди. Шунинг учун бу чаласавод котибнинг дашномини тишини тишига қўйиб эшитди.

Вақт Омоннинг ҳақ эканлигини кўрсатди. Аммо у бирор марта мен биринчи бўлиб, «афғон дардини» кўтарганман деб мақтанмади.

У комсомол ишига дафъатан келиб қолмади. Комсомол билетини олган синфдошлар Омонни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Кейин жумҳурият рус тили ва адабиёти олий билимгоҳида ўқиб юрганида ҳам комсомол ишларидан узоқлашмади. Шўро Армияси сафида хизмат қилиб юрганида ҳам ҳаммадан кўра унга комсомол топшириғини кўпроқ беришарди. Хизматдан сўнг яна ўша олий билимгоҳда комсомол қўмитаси котибининг ўринбосари бўлиб ишлади. Агар унинг ҳам «суянчиғи» бўлганда у комсомолда бу қадар узоқ қолиб кетмаган бўларди. Негаки, Омон билан бир пайтда комсомолда ишлаганларнинг кўпчилиги бугунги фирқа қўмиталарида бўлим мудирлари, котиб бўлиб ишлашяпти. У ноҳия комсомол қўмитасида ишни йўриқчиликдан бошлади. Орадан ярим йил ўтиб шўъба мудири бўлди. Роппа-роса бир йилдан сўнг, уни иккинчи котибликка кўтаришди. Аммо Омоннинг ташкилотчилиги кимларгадир ёқмай қолди. Агар у шундай кетаверса эртага...

Сўнг кутилмаганда у ноҳақликка учрай бошлади. Воқеа бундай бўлганди. Ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби ва ҳисобчиси кўзбўямачилик қилишади. Албатта бундай ишлар сир тутилади. Қолаверса, бу пайтда Омон малака ошириш курсида, кейинроқ меҳнат таътилида эди. Тўсатдан уни чақириб қолишади.

Борди. Комсомол қўмитасига эмас, ноҳия фирқа қўмитасининг бюросига. Бу пайтгача унинг ҳамкасблари ҳам ўзи йўқнинг — кўзи йўқ қилишиб, ҳамма айбни Омонга тўнкаришган...

У эшикдан кириши билан фирқа қўмитасининг биринчи котиби қўлини бигиз қилиб:

— Ана, ташаббускор котибимиз ҳам келди. Ҳамма ишни қилиб қўйиб, отпускага жўнаб кетганини қаранглар, — деди.

Омон тушунмади. Ҳамма унга нафрат билан қараб тургандай эди. Сўнг бюро аъзолари бири қўйиб, бири гапира бошлашди.

— Бизнинг ишончимизни оқламади.

— Шу ниятда уни иккинчи котибликка сайламагандик.

— Мақсади биринчилик экан-да.

— Худди шундай. Ҳайитов биринчи бўламан, деб елиб-югуриб юрарди. Энди у ҳеч қачон бўлолмайди.

Бюро мажлисида сўзлашга рухсат беришмади. Оқибат ўз ихтиёри билан ариза ёзди. Шундан сўнг у ҳеч кимга кўз ёш қилиб бормади. Унинг юқори поғоналарда ишлайдиган ошна-оғайнилари йўқ эди. Омоннинг отаси қоровул, онаси мактабда ошпаз, тоғаси оддий тракторчи.

Вилоят комсомол қўмитасидагилар Омонда заррача гуноҳ йўқлигини билишарди. Лекин улар ҳам фирқа қўмитаси бюросининг ноҳақ қарорига қарши боришолмади. Шундай бўлса-да, Омонни ёлғизлатиб қўйишмади. Вилоят комсомол қўмитаси пленумларининг бирида Омон Ҳайитов оммавий мудофаа ва спорт бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Бироқ кўп ўтмай Нуротадан Навоий вилояти комсомол қўмитасига кетма-кет телеграммалар кела бошлади.

«Ҳайитов Нуротадаги уйини бўшатиб қўйсин». Туғилган юртингдан ҳайдалиш нақадар оғир. Омон кўч-кўронини Навоийга олиб келиб, ижара уйдан қўним топди.

1987 йилда вилоят байналмилалчи-аскарлар йиғилишини ўтказишга бош-қош бўлди. Йиғилишда байналмилал-аскарлар вилоят кенгаши тузилди. Омон бу ишга жиддий киришди. Афғонда ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларига ёрдам уюштирди. Уларнинг номларини абадийлаштириш учун елиб-югурди. Ҳаракатлари зое кетмади. Кармanadаги 25-махсус мактаб-интернатга байналмилалчи аскар Нуриддин Туробов, Навоий ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги кўчаларидан бирига шу ерда туғилиб-ўсган Афғонистонда шаҳид кетган Зокир Имомқулов номлари берилди. Ишлар энди юришиб келаётган эди. Бироқ 1988 йилнинг бошларида вилоятни бирлаштириш тўғрисида гап-сўзлар пайдо бўлди. Кейин бу гаплар ҳақиқатга айланди. Кимлардир яна ўша эски папкаси билан янги мансаб курсиларини эгаллай бошлади. Омон қишлоққа қайтмоқчи эди. Лекин ўз умрини яшаб бўлган вилоят фирқа қўмитаси раҳбарлари:

— Учқудуққа борасан. Ноҳия фирқа қўмитасида ишлайсан, — деб туриб олишди.

Тақдир уни Учқудуққа етаклаб кетди. Қайтадан мусофирчилик дамлари бошланди. Йўқ, ҳар тугул Омон яхши одамлар даврасига тушди. Ишга киришиб кетди. Унга мафкура бўлимида ишлашни таклиф этишди.

Учқудуқда 80 дан ортиқ миллат ва элат вакили яшайди. Ўша пайтлари халқ ичига юриш кенг авж олганди. Омон эрталаб чиқиб кетиб, ярим тунда қайтиб келишларга кўникди. Чўлнинг қиши қаттиқ. Ёзи ундан бешбаттар. Қаҳратонда йўлда қолиб кетиш азоб. Ёзда эса бундай ҳолатга тушиш ўлим билан баробар.

Омон Қизилқумнинг қаҳратон қишини шундай эслайди.

— Бюрода менга Гагарин номли давлат хўжалигига вакиллик қилиш топширилди. Хўжаликдаги аҳолини чуқур ўрганишим, керак бўлганда ёрдам сўраб ноҳия ташкилотларига мурожаат қилишим зарур. Кун бўйи отарма-отар айланамиз. Ярим тунда давлат хўжалиги маъмуриятида штаб йиғилишини ўтказамиз.

Штаб йиғилишида ферма мудирларидан бири ем-хашак тугаганлигини айтиб қолди. Директор «Нима қиламиз?» — деб менга қаради. Мен бу илтимосни ноҳия штабига етказишим керак эди. Йиғилиш тугар-тугамас юк машинаси билан Учқудуққа жўнадим. Йўл тизза бўйи қор. Бир амаллаб келяпмиз. Катта асфальт йўлга чиқиб олсак бўлди, деб юрак ҳовучлаб келяпман.

Аммо асфальт йўлга ўн метр қолганда, машина ботди-қолди. Соатимга қарадим. Тунги соат икки бўлибди. Ҳайдовчи менга қарайди, мен унга. Машина чироқларини ёқиб нажот кута бошладик. Аксига олиб бирорта юк машинаси ҳам келмади. Сўнг ҳайдовчи аккумулятор ўтириб қолади, деб чироқни ўчирди. Зим-зиё тунда иккимиз қолдик. Сал бўлмаса котиб қолаёзганмиз. Ҳайрият бахтимизга бир юк машинаси келиб қолди. Асфальт йўлгача чиқариб қўйди.

Эртасига уни ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби йўқлади.

— Ишга яхши киришиб кетдингиз, — деди котиб. — Бугундан бошлаб вакилликдан озодсиз. Сиз ўқитувчи экансиз. Мактабларимизнинг аҳволи ёмон. Шу масала бўйича бюро мажлисини чақирмоқчимиз. Бирор давлат хўжалиги ҳудудидаги мактаблар аҳволини чуқурроқ ўрганинг.

Омон бир ҳафтага муҳлат сўради.

— Майли, ўн кун бўлақолсин, — деди котиб.

Омон ўн кун деганда бутун ноҳия мактабларини айланиб келди. Сўнг кўрган-кечирганлари тўғрисида бюро мажлисида ҳисобот берди.

— Биз ҳар йили фирқа ва ҳукуматнинг юксак мукофотларини олаётган хўжаликларда бўлдик. Бу хўжаликлар ҳар йили миллион-миллион сўм соф даромад олишмоқда. Аммо шу хўжаликларда яшовчиларнинг болалари инқилобдан олдин қурилган мактабларда ўқишмоқда. Масалан, «Ўзбекистон 40 йиллиги» давлат хўжалиги ҳар йили 2 миллион соф даромад олмоқда. Бироқ шу хўжалик раҳбарлари мактаб учун бир тийин ҳам ажратмаган. Бундай сохта шуҳратнинг кимга кераги бор?

Ўшанда «Ўзбекистон 40 йиллиги» давлат хўжалиги раҳбарлари Омондан қаттиқ хафа бўлишди.

— Ўзимизга айтиб қўйсангиз бўлмасмиди, — дейишди улар, — ҳам меҳнат қилсак, ҳам дашном эшитсак.

— Оғалар; мен эзбаройи биринчи котибга яхши кўриниш учун бу гапни айтганим йўқ. Мени тўғри тушунинглар. Мактабни бир бориб кўринг. Бугун бўлмаса, эртага қулаб тушади-ку. Ахир у ерда менинг фарзандим ўқимайди-ку.

Улар Омонни сўнг тушунишди. Мактаб қулаб тушмади. Қаттиқ қишда деворлари ёрилди. Шундан сўнг ноҳия ижроқўмидан, давлат хўжалиги маъмуриятидан маблағ ажратилди. Бир йил ичида давлат хўжалигида янги мактаб қурилди.

Биринчи қўнғироққа Омонни ҳам таклиф этишди.

— Учқудуқда икки йил ишладим, — дейди Омон. — Бу ерда тиббиёт, маориф, маданият ишлари Иттифоқда энг орқада десам, хато қилмайман. Касалхоналар, мактабларга, клубларга кириша одамларнинг юраги безиллайди. Биз мафкуравий иш деб одамларни ҳанузгача гап билан тўйдириб юрибмиз. Сизга ёлғон, менга рост, бир воқеани гапириб берай. Бир кун ноҳия касалхонасига бориб қолдим. Касалхонага узоқ овуллардан бирида истиқомат қилувчи бемор келтиришибди. Шифокорлар менга ўша беморнинг тўйиб овқат емаслиги оқибатида камдармон бўлиб қолганини айтишди. Бундай пайтда бошингизни қаерга уришни билмайсиз. Бундай пайтда оч, яланғоч халққа маънавий ҳаёт қанчалик ҳожат бормикан? Кўпчилик мафкура бўлимини сафсатабозлик бўлими деб таърифлашганда, рости жаҳлим чиқарди. Бундай ўйлаб қарасак, улар бир томондан ҳақ. Ҳозир ишдан кўра гап кўпайиб кетган. Мен мафкурачи сифатида одамлар қалбига илиқлик киритишни ўйлайман. Лоақал порлоқ истиқбол бўлмаса-да, одамларда ишонч туйғусини шакллантириш борасида кўп ишлар режалаштиргандик. Деярли кўпи қоғозда қолиб кетди. Ва яна ўйлаб қоламан: Шунча йил гап билан алдаб келганимиз етмасмиди? Куни кеча сайланган депутатларимизнинг коммунизм яратиб бераман деган ваъдалари-чи? Шунинг учун мафкура ишимиз ҳар қадамда оқсамоқда. Ўқилган лекциялар одамларнинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетмоқда. Мана маданият соҳасидаги аҳволни олиб кўрайлик. Агар мамлакат миқёсида ҳар бир кишига 3 тийинлик маданий хизмат кўрсатилаётган бўлса, бу рақам Учқудуқда 0,01 тийинни ташкил этмоқда.

Ижроқўмидан маданий эҳтиёжларга ажратилаётган маблағ маданият уйига чолғу асбоблари сотиб олишга етмайди. Маданият вазирлиги ҳар бир маданият тармоғи ўз кунини ўзи кўрсин деб қўйибди. Маданият уйи директори 100 сўм маош олади. Биз яна маданиятнинг пастлигидан нолиймиз.

Омоннинг қишлоқдан чиқиб кетганига ўн беш йил бўлди. У ҳамон қишлоққа қайтиш орзуси билан яшайди.

— Омон келмайсанми энди, ўзимизга бошқарар учун топилган иш сенга ҳам топилади.

Омон қишлоқдагилар сўзини жимгина эшитади. Бундай пайтда юрагининг аллақаерида қишлоқда қолиб ўтган дардлар қайта қўзғалади. Ҳамқишлоқлар кўнглини кўтарадиган гап топилмайди.

— Келсанг яхши-да. Туғилган ўлканг. Одамларнинг бошини қўшиб юрардинг. Э, ҳозир одамларимизни билмайсан.

«Биз тирикчилик қилишни билмаймиз, — деганди бир куни Омон. — Шунинг учун ўзимизни ўққа ҳам, чўққа ҳам урамиз. Мен Иттифоқнинг кўп жойларида бўлдим. Қаталакдай жойни чаманзорга айлантирган халқлар бор. Биз эса бепоён далаларимизда бир гиёҳ ундира олмаймиз. Нима бўлган ўзи бизга? Қишлоғимизнинг номи булоқ билан бошланади. Энди ўша булоқлар ҳам қуриб қолди. Бу қишлоқнинг булоқлари кўп эди. Жонбулоқ, Кўкбулоқ, Бошбулоқ, Қизилбулоқ. Энди битта дарахт кўкартиролмаяпмиз. Яхшиям, бизда пахта экилмайди. Ҳолимиз бундан ҳам хароб бўлар экан.

Бугун мангу ҳаётни куйлаб келган булоқларни қум босмоқда. Дарахтлар қуримоқда. Мувозанат бузилмоқда. Одамлар ўртасида меҳр-оқибатга дарз кетяпти». Омон шулар ҳақида ҳам ўйлайди. Ўйлайдию, юрагининг аллақаерида оғриқ сезади. Биз қачон туғилган юртимизнинг қадрига етамиз?!

М. МАРДИЕВ.

Ибратли ишлар




(Боши 1-бетда).



Сиз кўриб турган суратларда фермер хўжалиги аъзолари Замира Миралиева, Бурама Солибоева, Ўтагул Бойжонова, Сайёра Бекжоновалар Ширингул опа билан. Улар дастлабки натижалардан мамнун. Ширингулнинг укаси Асрор Алиев (1-бетдаги сурат) ферма тракторчиси. Замира ҳам чорвадор фермер бўлмоқчи. Фермерлар етакчиси Ширингулнинг орзулари бир олам.

МУАЛЛИФ суратлари.



«ЎҒЛИМ ҚАЙТИБ КЕЛАДИ...»

Бектош ака билан Туҳфа хола етти йилдан бери кўзлари тўрт бўлиб йўл қарайди. Қуни-қўшни, қариндош-уруғ эшикдан кириб келса ҳам, дарвозалари «тиқ» этса ҳам юраклари ҳаприқиб кетади: «Балки Ўктамжондан хат-хабар бўлса...»

1982 йил октябрь ойининг сўнгги куни. Қамаши шаҳар, Абдулла Набиев кўчаси, 22-уйда катта тантана бўлди. Бектош ака ўғли Ўктамжонни ҳарбийга кузатиш олдидан кекса отахон ва онахонлар олдидан ўтди. Улар умид билан оқ фотиҳа тиладилар: «Ой бориб, омон қайтсин!...»

Ўктамжон дастлаб Ашхободда 1983 йилнинг апрелигача ҳарбий тайёргарликдан ўтди. Шу вақт орасида Қамашига қанчалаб соғинч хатлари учиб келди — бу ёлғиз уйдагиларига маълум. Лекин ўғилларининг ўзга элга, кунба-кун одамизот жони узилаётган, қурбон бўлаётган тупроққа қадам қўйиши уларнинг тушларига ҳам кирмаган эди. Афсуски, уларнинг пиёдалар қисми ҳам ўша йилнинг 19 апрелида Афғонистонга (мантиқни қаранг: «Чекланган қўшинлар сафида») олиб ўтилди. Энди Қамашига келаётган соғинч хатларининг руҳи, нафаси ўзгача эди...

1983 йил 20 майда яна хат келди. Ҳамма суюнди. Лекин ота-онанинг кўксини бир эзгин хавотир ҳам қийнаётгани сезилиб турарди. Онаизор кечалари ёмон тушлар кўриб йиғлаб чиқарди. Бектош аканинг бор дардини далалар «тинглarди».

Худди ўша 20 майда ёзилган мактуб Ўктамжоннинг сўнгги хати бўлди. Шу-шу ундан дарак йўқ.

«Ҳарбий комиссариатдагилардан «ўғилларингиз бедарак йўқолибди...» деган шум хабарни эшитганимдан ўзимизга келолмаймиз, —деб ёзади ўз мактубларида унинг ота-онаси. — Биз унинг тириклигига ишонамиз. Мана шукрки, ишонлик ва самарқандлик асир йигитлар қайтиб келишди-ку! Йўқ, ноумид бўлмайлик!

«Ҳурматли редакция! Бизнинг дардли нолаларимизни рўзномангиз саҳифаларида эълон қилинглар. Ҳеч бўлмаганда ўғлим Ўктамжон билан бир сафда хизмат қилган, жангга кирган собиқ «афғонлар» Ўзбекистонда бўлса керак. Зора шулар бизга мактуб ёзишса. Умидимиз ҳали сўнгани йўқ. У барибир қайтиб келади. Ишонамиз...»

Илоё, қайтиб келсин. Бунга биз ҳам тилакдошмиз. Бағри хун онаизорнинг, дили хаста падари бузрукворнинг ёзган дардли сатрларини ўқиш осонмас. Фарзанд доғидан ёмони йўқ. Айниқса, «бедарак йўқолган» деган мудҳиш сўз уларнинг юрагини эзади. Етти йилдан бери шу аҳвол. Биз ҳам умид қиламизки, собиқ «афғон», бугунги кунда тақдири ҳалигача номаълум бўлган Ўктамжон Бозоров билан бирга хизматга борган, қонли жангларга кирганлар бордир. Ўктамжон 1984 йил кузида уйига қайтиши керак эди. Овоз берингилар, собиқ «афғон»лар!..

Биз ҳам ота-онага сабр-бардош, ирода тилаймиз. Балки бир кун келиб ўғилларингиз Ўктамжон эсон-омон қайтиб келар. «Яхши ният, ярим давлат», дейдилар...

Тўрамурод РАҲМОНОВ,
журналист.

БАҲС

Бўш вақт — хуш вақт бўлсагина, у мазмун касб этади. Шу маънода Хоразм Давлат педагогика олий билимгоҳининг рус тили ва адабиёти куллиёти талабаларига қойил қолса бўлади. Бўш вақтни беҳуда ўтказишмайди. Яқинда бўлиб ўтган «Балли, қизлар» конкурси ҳам ана шу саъю-ҳаракат мевасидир. Бу баҳсда беш нафар қиз иштирок этди. Улар саволларга жавоб бериш, байрам дастурхонлари безаш, миллий таомлар тайёрлаш, қўшиқ ёки рақс ижро этиш каби ўнга яқин тур бўйича куч синашдилар.

Қизиқарли ва ҳаяжонли сонияларга тўла ушбу конкурсда 2-«Б» курс талабаси Г. Холметова 159 очко тўплаб биринчи, 3-«Е» курс талабаси Г. Сиддиқова 151 очко тўплаб иккинчи, 2-«Г» курс талабаси Л. Подлиполина 136 очко тўплаб учинчи ўринларни қўлга киритдилар. «Балли, қизлар» конкурсининг беш нафар иштирокчиси ҳам бу баҳсга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилишди. Шу боис ҳакамлар ҳайъати конкурснинг барча иштирокчиларини қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирладилар.

— Биз бундай конкурсларни тез-тез ўтказиб боряпмиз, — дейди филология фанлари номзоди, куллиёт хотин-қизлар Кенгашининг раисаси Шодмон Машарипова. — Бу баҳслар талабаларимиз билимини, дунёқарашини шакллантиришда сезиларли таъсир қилмоқда. Талабаларимизнинг истак ва талабларини инобатга олиб, яқин кунлар ичида «КВН» мусобақасини ўтказишга қарор қилдик. Уч босқич бўйича ўтказиладиган баҳснинг биринчи босқичи — группалар ўртасидаги мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўраяпмиз.

Эркабой ЖАББОРОВ,
Хоразм Давлат педагогика олий билимгоҳи 3-курс толиби.

Ёшлар ва қонун

СЎНГГИ СЎЗНИ СУД АЙТАДИ

Самарқанд шаҳрининг собиқ прокурори Обид АЛИБОЕВ олти йилдан буён судсиз қамоқда сақланмоқда. Унинг умр йўлдоши, фарзандлари ёрдам сўраб бир неча бор таҳририятимизга мурожаат қилишди. Қайси қонунга, нимага асосан уни шунча йилдан буён судсиз ҳибсда ушланаётганлигининг сабабларини сўрашди. «Айби бўлса суд қилишсин, тегишли жазосини беришсин. Бўлмаса озод этишсин», деб ёзишади улар. Афсуски, бу нолалар, бу ҳақли саволларга ҳеч ким аниқ жавоб бермади. Аниқ жавоб бериш мумкин ҳам эмас. Чунки, қонунчилар аллақачон қонун доирасидан ташқарида «фаолият» кўрсатишаётган эди.

Тергов ишлари кетаётганлиги сабабли бу масалага аралашишни лозим топмаган эдик. ССЖИ Бош прокурорининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Б. Свидерский бошлиқ терговчилар гуруҳи ниҳоят тергов ҳаракатларини тугатди.

Ҳуқуқ масалалари бўйича шарҳловчимиз С. ОСТОНОВ яқинда Алибоевнинг адвокати, Наманган вилояти адвокатлар коллегияси президиуми раиси Акмал МАМАЖОНОВ билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Аввало Алибоевга нисбатан терговда қандай айблар қўйилганлиги ҳақида тўхталсангиз!

— Бу иш Аҳмаджон Одилов устидан қўзғатилган жиноий иш материаллари билан боғлиқ. Қандай айблар қўйилганлиги хусусида эса ҳозирча гапирмоқчи эмасман. Агар судда қатнашсангиз ўзингиз эшитасиз.

— Суд қачон ва қаерда бўлиши аниқландими!

— Бу иш Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий судида кўрилиш арафасида турибди.

— Адашмасам Алибоев 1984 йили ҳибсга олинган. Уни шу пайтгача қамоқда сақлаш қонунчиликка зид эмасми! Ҳатто ССЖИ халқ депутатлари съездида депутатимиз А. Мухторов ҳам бу ҳақда гапирган эди. Афсуски, масалага ойдинлик киритилмади. Менинг тушунишимча, айбланувчи прокурор рухсати билан фақат тўққиз ойгача ҳибсда сақланиши мумкин.

— 1989 йил ноябрь ойига қадар қамоқда сақлаш муддати қонунда тўққиз ой белгиланган эди. Ҳозир амалдаги қонунда бу муддат бир ярим йилга узайтирилди. Ундан ортиқ судсиз ҳибсда ушлаш ҳеч қандай қонунда кўзда тутилмаган. Қонун эса ҳаммага баробар.

— Демак, Алибоевга нисбатан қонунсизлик қилинаётган экан-да!

— Ҳозиргача судсиз қамоқда сақланаётганлиги қонунсизликдир.

— Уни қамоқдан чиқариш учун адвокат сифатида ҳаракат қилиб кўрган бўлсангиз керак!

— Ўзбекистон жиноий процессуал кодекси 46-моддасидаги адвокат учун белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаландим.

— Бирор натижа бўлдими!

— Афсуски йўқ. У ҳанузгача қамоқда. Мен уни бу суҳбатда умуман айбли ёки айбсиз демоқчи эмасман. Буни суд аниқлайди. Аммо унга нисбатан қонунсизлик бўлаётгани факт.

— Кейинги тўрт-беш йилда қонунсизликлар авж олиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай бедодликка кимлар чек қўйиши керак!

— Қонунсизликни бартараф этиш учун чора кўриш прокурорнинг конституцион бурчи. Биз ҳуқуқий давлатга интилаяпмиз. Ҳуқуқий давлатда инсон қадр-қимматини ҳимоя этадиган ташкилот бор. Бу — прокуратура ва суд органларидир. Бу — давлат олий ҳокимияти.

—Алибоевнинг тергов ишини ССЖИ прокуратураси ходимлари олиб борган. Ана шундай ҳолда жумҳурият прокуратураси бу ишдаги қонунсизликларга эътироз билдириши мумкинми!

— Кўп жумҳуриятлар каби бизда ҳам давлат суверенитети қабул қилинди. Демак, жумҳуриятимиз иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий мустақиллик сари қадам қўйди. Энди ўз қонуний ҳуқуқларимиздан фойдаланмоғимиз керак. Бундан ташқари Алибоев жиноий иши Ўзбекистон Олий судида кўрилади. Жумҳурият прокурори Олий суд қарори, ажрими ва ҳукмларига протест келтириши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, Алибоев жумҳурият прокуратурасининг собиқ ходими. Ана шунинг ўзи ҳам жумҳурият прокуратурасини бефарқ қолдирмаслиги керак эди. Бу ўринда масалага идора манфаатини кўзлаб эмас, балки фуқарога нисбатан қонунсизликнинг бузилаётганлигидан келиб чиқиб ёндошиш лозим. Ваҳоланки, унга ўхшаб қонунсизлик гирдобида ётганлар оз эмас.

— Адолат юзасидан яна бир саволни ўртага ташламоқчимаң. Агар Алибоев ва унга ўхшаганларга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, қамоқдан чиқарилса улар гувоҳларга ва суд жараёнига тазйиқ кўрсатишмайдими!

— Бу тахминий мулоҳаза. Судлов ишида эса умуман қонунчиликда тахминлар асосида иш юритиб, инсон ҳуқуқларини поймол этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Дейлик, улар сиз айтгандай ҳаракат қилишсин ҳам, у ҳолда белгиланган қонун олдида жавоб беришади.

— Қонунчилик ҳақида бир одам тахминан шундай деган экан: қонун бу шундай деворки, унинг устидан ошиб ўтиш мушкул. Лекин уни айланиб ўтса бўлади. Менимча қонунчилигимиз нураб, ўпирилиб бораётган деворга ўхшайди. Унинг ўнгидан ҳам, сўлидан ҳам, ўртасидан ҳам ўтиб кетаяпмиз. Аслида қонун одамлар суянадиган, ишонадиган қалқон бўлиши керак-ку!! Амалда шунга эришиш учун нима қилмоқ керак, деб ўйлайсиз!

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида нима қилмоқ кераклиги ёрқин айтилган. Инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва оёқ ости қилиш ваҳшиёна оқибатларга олиб келганлиги, бундай ваҳшийликлар башарият виждонини ғалаёнга солаётганлиги алоҳида таъкидланган. Шунингдек, ўша Декларацияда ҳеч ким қийноқ остига олиниши, шафқатсиз, ғайри-инсоний жазоланиши, асоссиз қамоққа олиниши, ушлаб турилиши мумкин эмаслиги айтилган. Ана шу инсонпарвар, одилона ҳадисларга асосланган ҳолда ҳуқуқий давлат барпо этишимиз зарур.

ТАҲРИРИЯТДАН: кейинги йилларда рўй берган қонунсизликлар ҳақида рўзномамизда қатор материаллар эълон қилинди. Асоссиз жабрланган айрим ёшларни имкон қадар ҳимоя этдик. Афсуски, биз номларини эшитибоқ дилимиз хира тортадиган Гдлян, Иванов, Гайданов, Дидоренко сингари жиноятчилар осонгина қутилиб кетишди. Ҳеч ким хўрланган, ҳуқуқлари оёқ ости қилинган совет фуқаролари нолаcини тингламади. Жабрланганлар ўгай она ортидан бефойда бўзлаган боладек алам билан қолиб кетишди.

Ҳозир ўша қўли қон генераллар, прокурорлар ҳақида кўп ёзилаяпти, очиқ гаплар айтиляпти. Тўғриси, ёв қочгач, ботирлар кўпайиб қолди. Аммо қонунсизликлар ҳамон давом этаяпти. Биз яна кўз юмиб, тескари қараб турибмиз. Бўрон тингач, иссиқ уйдан чиқиб, «қани, ким у ўзи!» деб гердаямиз. Ҳозирча эса индамаяпмиз. Курашаётган икки томонни кузатиб турамиз. Кейин ғолиб томонга ўтиб оламиз. Ҳозирча инсонийлик, фуқаролик, депутатлик бурчимиз, виждонимиз жим. Аслида қонунсизликлар, бедодликларга қарши ўз вақтида ҳайқирмоғимиз, курашмоғимиз зарур.

Алибоевнинг суд жараёни ҳақида эса жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ниятдамиз.

Хориждан хабарлар

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

БОНН. (ТАСС мухбирлари Сергей Сосновский ва Виктор Чистяков). Урушдан кейинги даврда биринчи бор якшанба куни ўтказилган Умумгермания сайлови бирлашган Германиянинг кўпчилик сайловчилари Г. Коль билан Г.-Д. Геншер ҳукумати ўтказаётган сиёсий йўлни қўллаб-қувватлаётганликларини ва шу йўлни давом эттириш тарафдори эканликларини кўрсатди.

Бу ерда тарқатилган дастлабки расмий маълумотларга қараганда, христиан-демократик иттифоқ билан христиан-социал иттифоқ блоки сайловчилар овозларининг 43,8 фоизини олди, энди у 319 депутат мандатига эга бўлади. Овозларнинг 11 фоизи эркин демократик партия (ЭДП) учун берилди. Бу партия Бундестагда 79 ўрин олади. Оппозициядаги ГСДП овозларнинг атиги 33,5 фоизини олди ва парламентда ундан 239 депутат қатнашадиган бўлди.

Демократик социализм партияси мамлакатда ўрта ҳисобда овозларнинг 2,4 фоизини олди, шундай бўлса ҳам у собиқ ГДЖ ҳудудидаги сайловчиларнинг анчагина мадади ҳисобига ўзининг 17 вакилини Бундестагга ўтказиб олишга муваффақ бўлди.

Кўкатпарварлар партияси ўрта ҳисобда бутун Германия сайловчилари овозларининг 3,9 фоизини олганлиги сабабли парламент таркибига кира олмади. Бироқ кўкатпарварлар билан «Иттифоқ-90» сайлов блоки бешта шарқий ўлка ҳудудида иш кўриб, овозларнинг 5,9 фоизини ва мандатларнинг саккизтасини олди.

Худди кутилганидек, сайловда ғолиб чиққан Г. Коль Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ), Христиан-социал иттифоқ (ХСИ), шунингдек, Эркин демократик партия (ЭДП) вакилларидан иборат Умумгермания ҳукуматини тузиши мумкин. Социал демократлар, кўкатпарварлар ва демократик социализм партияси парламент оппозициясини ҳосил қиладилар.

БЕРЛИН. Якшанба куни бу ерда ГФЖ Бундестагига сайлов билан бир вақтда ўтган Умумберлин парламент сайлови христиан демократларнинг катта ғалабаси билан тугади. Сайлов саноқ комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, христиан-демократлар иттифоқи овозларнинг салкам 40 фоизини олди ва Берлин депутатлар палатасидаги 200 мандатдан 83 тасини қўлга киритди. Социал-демократик партия вакиллари сайловга қадар шаҳарнинг Ғарбий ва Шарқий қисмида коалицион сенатга ва магистратга бошчилик қилган эдилар. Ушбу партия овозларнинг атиги 30,5 фоизини олди ва партия вакилларидан Умумберлин парламентига 64 делегат сайланди. Демократик социализм партияси шаҳар депутатлар палатасида мандатлар сони жиҳатдан (19) учинчи ўринни эгаллади.

Телетайп лентасидан

● ПАРИЖ. Ҳозир Форс кўрфазида тинчлик ёки уруш бўлишини «элликка-эллик» деб баҳолаш мумкин. Бу ҳақда якшанба куни кечқурун Ироқ президенти Саддам Хусайн «Антенн—2» Француз телекомпанияси ва «Франс-энтер» радиостанцияси мухбирлари билан суҳбатда айтди. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг бошлиқлари даражасида бўлажак Америка—Ироқ учрашувни АҚШ даъвомида башарти мулоқот бошлаш учун чинакам истак намоён этилган тақдирда биз тинчликка яқинлашаяпмиз, дейиш мумкин бўлади, деди С. Хусайн. Бироқ «башарти бу учрашувни АҚШ конгресси, Америка халқи ва жаҳон афгор оммаси учун ўз виждонини тинчитиш ва «мана биз Ироқ билан мулоқот ўрнатишга уриниб кўрдик» деган ягона мақсадда ташкил этилган расмий томошага айлантиришни хоҳласалар... Бу ҳолда биз масалани ҳарбий йўл билан ҳал этишга яқинлашиб қоламиз».

● БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битим «Гатт» доирасидаги музокараларнинг «Уругвай давраси»нинг якунловчи конференцияси очилди, бу музокаралар Уругвайдаги Пунта-дель-Эсте шаҳрида бошланган, унда улуши жаҳон савдо-сотиғининг ўндан тўққиз қисмига тўғри келадиган 100 га яқин мамлакат савдо-сотиқни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бож ва бошқа тўсиқларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг кенг мажмуини ишлаб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Мол айирбошлашни кучайтиришни умидлар «Уругвай давраси» муваффақияти билан боғлашган. Бундай муваффақият бутун дунёда иқтисодий ўсишга омил бағишлаган бўлади. Аксинча, музокараларнинг барбод бўлиши, кўпгина мутахассисларнинг фикрича, фалокатли оқибатлар келтириши мумкин, чунки у савдо-сотиқда протекционизмнинг янада авж олиши хавфини туғдиради.

● НЬЮ-ЙОРК. Америка қўшинларининг Форс кўрфази ноҳиясида жойлашган ерларини Пентагон сир тутишга уринмоқда, лекин Ироқ ихтиёрида мазкур ноҳиянинг космосдан олинган батафсил суратлари бор. Америкада чиқадиган «Тайм» ҳафтаномаси АҚШ разведкасидаги ўз манбаларига таяниб, шу ҳақда хабар қилди.

Ойноманинг тасдиқлашича, сўнгги вақтда очиқ бозорда тобора кўпроқ муфассал фазовий фотосуратлар сотилмоқда. Разведка ходимларининг фикрича, Бағдодга керакли фотосуратлар Иордания ва Эрон орқали юборилган, деб ёзади «Тайм» ҳафтаномаси.

● БЕРЛИН. Собиқ ГДЖдаги давлат темир йўли — «Дойче Рейхсбан» ходимлари бундан бир неча кун муқаддам маъмурият билан Германия темир йўлчилари касаба уюшмаси ўртасида имзоланган тариф шартномасини маъқуллادилар. Ўтган ҳафтанинг бошларида бешта янги федерал ўлкада темир йўлларда ҳаракатни тўхтатиб қўйган уч кунлик иш ташлаш шу билан узил-кесил тўхтади. Иш ташлашган темир йўлчилар орасида «Дойче Рейхсбан» билан касаба уюшмаси ўртасидаги музокаралар якунлари овозга қўйилди. Темир йўл ходимларининг 45 фоизи эришилган битимни қўллаб-қувватлашди. Бу эса иш ташлашни расмий равишда тўхтатиш учун асос бўлди.

● ПЕКИН. Хитой Компартияси интизомни текшириш комиссиясининг барча ходимларини «Жэньминь Жибао» рўзномаси «партиянинг содиқ соқчилари бўлишга» чақирди. Рўзнома ХКП интизом идоралари илғор жамоалари ва тажрибали ходимлари анжуманига бағишлаб бир қанча мақолалар эълон қилди.

Анжуманнинг ёпилишида сўзга чиққан ХКП Марказий Қўмитасининг бош котиби Цзян Цземинь «партия қурилишини давом эттириш ва кучайтиришни» стратегик мақсадлар — Хитойни социалистик жиҳатдан янгилаш ва миллий иқтисодиётни юксалтиришни амалга оширишнинг сўзсиз шарти, деб атади. Идора қилувчи партиянинг иш услуби масаласи «унинг ҳаёт ёки мамот масаласидир», деди у. «Тўрт асосий қоида билан буржуазия либераллашуви ўртасидаги кураш узоқ вақт давом этади. Партия ичидаги носоғлом услуб ва бузилиш ҳоллари унинг обрўсига путур етказмоқда».

(ТАСС).

БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФ

БРАЗИЛИА. (ТАСС). АҚШ Президенти Ж. Буш бу ерга бир кунлик расмий ташриф буюрди. У Жанубий Америка бўйлаб ҳафталик саёҳатини бошлади. Ана шу даврда Президент Уругвай, Аргентина, Чили ва Венесуэлага боради.

Оқ уй бошлиғининг бу мамлакатда бўлиши якунлари юзасидан ҳеч қандай расмий битимлар имзоланиши кутилмаяпти, деб хабар қилди Бразилия ташқи ишлар вазирлиги. Бироқ, маҳаллий кузатувчилар бу ташрифни икки мамлакат муносабатларининг бутун тарихи давомидаги энг муҳим ташриф сифатида баҳоламоқдалар. Гарчи музокараларнинг расмий кун тартиби маълум қилинмаган бўлса-да, Ж. Буш олға сурган «Америка учун ташаббус» президентларнинг диққат марказида туради. Бу ташаббусдан мақсад қитъада иқтисодий ривожланишни кенгайтириш ва бу ерда эркин савдонинг ягона зонасини вужудга келтиришдир.

БОШ ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТОКИО. (ТАСС мухбири Александр Копнов). Япония фуқароси, Ти-Би-Эс телекомпаниясининг журналисти Тоехиро Акиямаҳнинг «Союз ТМ-11» кемасида фазога қилган биринчи парвози Япония — Совет ҳамкорлигининг натижаси бўлди. Бу жуда зўр иш бўлди, деди мамлакат Бош вазири Тосики Кайфу журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб.

«Ҳозир инсоният олдида атроф-муҳитнинг булғаниши, сайёрамизда ҳавонинг ҳаддан ташқари исиши ва эҳтимол, биз ҳали билмайдиган бошқа кўплаб муаммолар турибди. Ана шу муаммолар тезроқ ҳал этилишини хоҳлардик». «Парвоз эндигина бошланди, лекин мен унинг муваффақият қозонишига умид қиламан», — деди Япония ҳукуматининг бошлиғи.

БОЛАЛАР ТУФАЙЛИ ЖАНЖАЛ ЧИҚДИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Мактаб ўқувчиларининг автобусда кўтарган жанжали оқибатида мисрлик беш деҳқон ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди, деб хабар қилади Қоҳирада чиқадиган рўзномалар. Нил дарёси тармоғи бўйида жойлашган қўшни Аз-Заҳро ва Ал Карайн қишлоқларининг аҳолиси ўртасида улар бир қишлоқда яшайдиган қизчанинг ўртоқлари унинг бошқа қишлоқлик омадсиз хушторини дўппослаганини эшитганидан кейин отишма бошланиб кетди.

Фақат бу ерга келтирилган хавфсизлик кучлари деҳқонларнинг «ҳарбий ҳаракат»ларини тўхтатишга муваффақ бўлди.



Америкадаги дорилфунунлар орасида энг машҳури Техас дорилфунунидир. 10 та куллиётда икки мингга яқин профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар ишлашади. Лекин талабалар сони анча кўп. 40 мингдан кўпроқ турли миллат вакиллари турли хил мутахассислар бўйича олий билим оладилар. Энг номдор куллиётлар қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ва муҳандислик куллиётлари саналади.

СУРАТДА: Техас дорилфунуни ўқув биноларидан бири.

М. МЕДВЕДЕВ сурати.
(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БАҚИРИҚ ЧАҚИРИҚЛАР КОНКУРСИ

● ТОКИОДА одатдан ташқари конкурс бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари жуда кучли, қаттиқ қичқиришлари керак эди. Мусобақада аёллар орасида Сагико Сакаи ғолиб чиқди. Унинг қичқириғи 109,7 децибелга тенг бўлди. Эркаклардан эса талаба йигит — Тогинага Сакураи биринчиликни эгаллади. Унинг кўрсаткичи Сакаиникидан 2 децибел юқори бўлди.

ПАҲЛАВОН ҚИЗ

● ДАНИЯЛИК Женни Лионет ҳар қандай эркаклар билан куч синаша олиши мумкин. У пўлат михларни бемалол қайириб ташлайди, жонглёрлик санъатини ҳам эгаллаган. Лекин у айнан шу машғулотлар билан шуғулланмайди. Унинг севимли машғулоти қалин эски китобларни ўз қўллари билан икки, ҳатто тўрт бўлакка бўлиш, яъни йиртиш.

Бундан 10 йил муқаддам Женни 100 варақли китобларни қийналмай йиртарди. Ҳозир эса 1000 варақли китобларни ҳам бўлиб ташлай олади.

ШИЛЛИҚҚУРТЛАР МУСОБАҚАСИ

● ИСПАНИЯДА ҳар йили шиллиққуртлар ўртасида «югуриш» мусобақаси ўтказилади. Бу йилги мусобақада ғолиб чиққан шиллиққурт 10 минут давомида митти аравачадаги 240 граммлик тошни 12,8 сантиметр масофага судраб борди. У 55 та рақиби орасида ғолиб чиқди.

ҒАЛАТИ, ЛЕКИН ФОЙДАЛИ ИХТИРО

● ВЕНГРИЯЛИК бир ихтирочи, оддий, лекин ғалати нарса кашф этди. У музлатгич (холодильник)нинг эшик томонини юқорига қаратиб ўрнатиб қўйди. Бунинг ўзига хос томони бор экан, яъни бунда музлатгичнинг эшиги очилганда ҳам совуқ ҳаво ичида тураверар экан, тўғри турган ҳолда эшиги очилганда эса совуқ ҳаво полга тушиб кетаркан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хориждан хабарлар

Саёҳатнома

Амиркул Карим

Тарихнинг узилган парчаси

Афғонистон... Бу сўзни эшитган талай инсонлар кўзларида ёш ғилтирайди. Йўқ, ушбу каломнинг ўзаги фиғон сўзидан иборат учунлигидангина эмас, киприкдаги шабнамлар. Афғонистон кўнгил ярамизнинг номи эканлигидан, навқирон орзулар интиҳоси, армонлар ибтидоси мана шу мўъжаз сўзда мужассам бўлганлигидан.

Бу сўз ортқилаган ғам минглаб, миллионлаб дилларга юк бугун. Ҳатто она Сайёрамиз ҳам бағридаги мана шу оғриқдан ўз ҳаракат маромини йўқотгандек.

Ҳайриятки, мен яна қонли жанглар, мавҳум байналмилал бурч ҳақида, бевақт хазон бўлган беғубор жонлар борасида сўзламоқчи эмасман. Азиз юртдошларим ярасини янгилашга, улар кўз ёшини кўришга тобу-тоқатим йўқ менинг ҳам. Лекин тарихимизнинг узилган парчаси бўлган Афғонистон ҳақида, унинг ғамдийда инсонлари борасида бир-икки калима сўз айтгим бор. Балки бу узуқ-юлуқ, қисқа лавҳалар муҳтарам муштарийларимизнинг тасаввурларини тўлдиришларида асқотар...

«БЕГОНА» ДАРАХТ

Қобул тайёрагоҳидан шаҳарга кириб борар эканмиз, меҳмондоримиз (афғонлар мезбонни шундай аташади) йўл-йўлакай қурилаётган янги митти ноҳиялар ҳақида сўзлади. Менинг эътиборим эса йўлнинг икки четида қатор ўсган акацияларда эди. Кўпроқ Оврўпо табиатига хос бўлган дарахт назаримда бу ерга ярашмай тургандек.

— Рафиқ Нур, бу дарахтлар мамлакатингизда анчадан буён ўсадими? — сўрадим меҳмондоримиз — Афғонистон жумҳурияти журналистлар уюшмаси йўриқчиси Нур Мангалдан. У саволга жўяли жавоб излабми, бир муддат жим қолди.

— Эътибор бермаган эканман. Анчадан буён мавжуд чоғи. Иқлимлашиб ўзини тиклаб олибди-ку, қаранг, — деди у. — Акация табиатимизга унча хос дарахт эмас, — қўшиб қўйди сўнгра.

Кейинги кунлари «бегона дарахт»ларни учратмадик. Ўзбекистоннинг жанубига хос ўсимлигу, дарахтлар бу ерда ҳам мавжуд бўлганлигидан табиат бизга бегоналигимизни ҳис этишга йўл қўймади.

БОҒИ БОБУР

Жумҳуриятимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик сари илк одимларни қўяр экан, журналистлар бу ишнинг яловбардорларидан бўлиши кишини ажаблантирмайди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Афғонистон Журналистлар уюшмаси билан ўзаро бевосита иқтисодий дўстлик шартномаси имзолашини ана шу фаолликнинг намоён бўлиши деб тушунмоқ керак.

Афғонистонга сафар қилишимизга ҳам ана шу шартнома асос бўлди. Заминимизнинг алангали нуқтаси бўлган бу юртга илк бор йўл олар эканмиз, касбимизга доир учрашувларни амалга ошириш билан бир қаторда Қобулдаги Боғи Бобурни, Ҳиротдаги ҳазрат Алишер Навоий қабрини зиёрат этишни дилга тугиб қўйгандик. Бироқ Афғонистонга бориб юрган дўстларимиз вазият мушкуллиги туфайли бунинг иложини қила олишимизга шубҳа билдиришди. Шу сабабли Афғонистон Журналистлар уюшмаси раиси муовини Абдулло Шодон сафар кунлари тартибини белгилашда истакларимизни инобатга олиб, уларни амалга оширишга кўмак таклиф қилганида биз юрак ютиб, орзуларимизни зоҳир этдик.

— Ҳиротга бориш мушкул-ку, аммо Боғи Бобурга ташриф буюришингиз мумкин, — деди Шодон.

Шундай қилиб, сафаримизни Боғи Бобурни, Бобур қабрини зиёрат этишдан бошлаш бахтига муяссар бўлдик.

Боғи Бобур Қобулнинг шарқидаги баҳаво жойда жойлашган экан. Ўн икки йилдан буён давом этиб келаётган уруш боғ файзини ҳам ҳалок этгандек. Боққа кираверишдаги пештоқ ранглари униқиб кетган, давлат корхоналари, муассасалари, бошқа жамоат жойлари каби боғ ҳам қуролланган аскарлар томонидан қўриқланаётганди. Аскарлар бизни кўриб сергак тортишди. Бундан бир неча йил муқаддам Москвадаги Халқлар Дўстлиги олий билимгоҳини тугатиб қайтган пуштун йигити Нур уларга муддаони тушунтирди, боққа кириш учун патта олди.

Боғ қаровсизликдан анча хароб ҳолга келган. Йўл четида исқиртгина бола ташриф буюрувчиларга сув таклиф қилиб турарди. Ҳар пиёла сув беш афғоний, бир бурда нон учун у саккиз пиёла сув сотиши керак экан.

Боғ ичида болалар ўйнаб юришибди. Кираверишдан чап томонда каттагина ҳовуз айниқса, болаларнинг севимли маскани. Ўнг тарафда эса юқоридан қуйига зинапоя шаклида гулзор эниб келади. Чор атроф бир қадар қаровсиз, ифлос бўлгани учун Нур биздан уялгандек гап қотади.

— Шоҳ даврида бу ерлар чиннидек тоза турарди. Аммо бу ерга меҳнаткашларнинг ташриф буюриши ман этилганди.

Аста-секин юқорига одимлаймиз. Ўнг томонда баланд нақшинкор айвон. Бир неча кекса киши чой ичиб, суҳбат қуриб ўтиришарди. Рўпарада иккита катта чинор қад ростлаган. Чинор пойида бир гуруҳ ёшлар Шарқ мусиқа асбобларида куй ижро этишмоқда. Уларнинг атрофида болалар тўпланиб олишган.

— Ёшлар учун бошқа оромгоҳлар йўқ. Шу сабабли улар бу ерда дилларининг чигилини ёзишади, — изоҳ беради Нур.

Ниҳоят, улуғ бобомиз Бобур дафн этилган жойга етамиз. Шарқ мусулмонлари русумига кўра, қабрни зиёрат айлаймиз. Руҳимни тақдир зарбаларидан саргашта бўлган ватанпараст бобом руҳи оғушида сезаман. Муборак Туркистон, Мовароуннаҳр бўйларини менда туйибми, шодланган нуроний руҳ қувончи менга ҳам қувват беради. Беихтиёр ушбу байтларни дилда такрорлайман:

Ўз юртни қўйиб ҳинд сори юзландим,
Ё, раб, нетай не юз қаролиғ бўлди.

Ватан дийдорини соғинган шоир юракнинг тўлғоқлари мужассам бу сатрларда. Боғи Бобурнинг бош директори рафиқ Борездан хиёбон тарихидан сўзлаб беришни илтимос қилдик. У айни кунларда боғда тўйлар, учрашувлар, митинглар ўтиб туриши ҳақида икки-уч оғиз сўзлагач, ҳижолатомуз атрофга аланглади. Сўнгра:

— Боғимизнинг мунтазими (ташкилотчиси) Абдулваҳоб тарихни яхши билади. Ҳозир уни чақириб келамиз, — деди.

Абдулваҳоб 50 ёшлар атрофидаги озғингина киши экан. Бизга Бобур ҳақида батафсил маълумот беришга киришди.

— Боғнинг бино бўлганига 522 йилдан ошди, — деди у, — Бобур бу баҳаво гўшага келишни хуш кўрарди. Ўзининг қароргоҳини мана шу ерда барпо этди. Ёз ойларини бунда кечириб, қишда Ҳиндистонга қайтарди. Боғ ўша кезларда бунёд этилган. Азбаройи ёқтирганидан Бобур ўзини шу ерда дафн этишларини васият қилган. Маълумки Бобур дастлаб Аграда дафн этилган. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олгач, набиралари Бобур ҳокини Қобулга ўзи айтган жойга келтирдилар. Шоир ва буюк саркарда бор-йўғи 49 йил умр кўрди. Унинг «Бобурнома» деган китоби ҳам мавжуд.

Абдулваҳоб шу ерга келганда мен бу йил Тошкентда «Бобурнома» «Юлдузча» нашриётида яна қайтадан чоп этилганини, умуман Бобур шахсиятига қизиқиш кучлилиги, шеърияти бизда ўрта мактаб дастурига киритилганини сўзлаб бердим.


— Афсус, биз ҳали ўз тарихимиз ҳақида қарийб ҳеч нарса билмаймиз, — деди ўкинч билан Абдулваҳоб. Унинг юзида акс этган ифодани кўриб, негадир ўзимни гуноҳкордек ҳис этдим.

— Маълумки, Бобурга бир марта заҳар ичиришган. Унда омон қолганлар. Вафотларига шу заҳар таъсири бормикин? — сўрадим Абдулваҳобдан.

— Йўқ, — деди у қатъий. — Заҳарланганларидан кейин бутунлай шифо топиб кетганлар. Улар ўз ажаллари билан вафот этганлар. Улардан боғи Бобур ёдгор бўлиб қолди. Бобур Мирзо яна Боғи Шарорани, Боғи Маҳтобни ҳам барпо қилганлар. Кандаҳордаги Чилзинанинг ҳам асосчиси шу киши дейдилар.

Амир Омонуллохон даврида боғи Бобур анча обод бўлди. Омонуллохон 1937 йилда боғнинг юқори қисмида катта ҳовуз қурдирган. У чуқур бўлганлиги сабабли хавфнинг олдини олиб, сув билан тўлғизмадик. Зиёратгоҳга чиқиб, келаверишда иккита катта чинорни кўрдингизми? Ҳинд тарихчиларининг кафолат беришларича бу чинорлар 480 баҳорни кўрган. Ҳозир боғ давлат муҳофазасида. Бу ерга Ҳиндистондан, Совет Иттифоқи ва Чехословакиядан кўп сайёҳлар келиб туришади. Боғи Бобур афғонларнинг ифтихор қилгулик ва дам оладиган маскани бўлиб қолмоқда.

Ҳикоя ниҳоялагач, меҳмондорларимиз бизни бир пиёла чойга таклиф этишди. Улар билан хайрлашаётиб, зиёратгоҳни суратга олдим. (Суратлар сифати кўнгилдагидек бўлмаганлиги учун сиздан узр сўраймиз).



СУРАТДА: Боғи Бобурдаги шоир қабри.

НАЖИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳамроҳим «Совет Ўзбекистони» рўзномаси мухбири Олимжон Назаров Афғонистон Президенти ўртоқ Нажиб билан суҳбатлашиш орзусида эди. Меҳмондорларимиз ва Нажибнинг матбуот соҳасида ёрдамчиси Сарвар Юреш биз учун учрашувни ташкил этишга ваъда беришди. Тезда мусоҳаба саволларини тузишга киришдик. Уни дари тилига таржима қилиб, меҳмондорларимизга топширдик. Ниҳоят 14 июль куни бизни Президент қароргоҳига таклиф этишди.

Совет Иттифоқининг Афғонистон Жумҳуриятидаги элчиси Б. Н. Пастуховнинг маълум қилишича, ўртоқ Нажибнинг бироз тоби йўқлиги туфайли бизни Афғонистон жумҳурияти вице президенти Абдулҳамид Мухтот қабул қиладиган бўлибди. Дарҳақиқат бизнинг саволларимизга вице-президент жавоблар берди. Бу жавобларни сиз «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 24 август сонида ўқидингиз. Учрашувимиз ҳақида ўша куни Афғонистон телевидениеси пушту ва дари тилларида ахборот берди.

Сафар давомида биз Афғонистон демократик «Ватан» партияси масъул раҳбарларидан Фарид Маздак, Афғонистон маданият ва ахборот вазири Аҳмад Башир Рўйгар, Афғонистон ислом илми таҳсилот ва таҳқиқоти дорилфунуни раиси Муҳаммад Сиддиқ Сайлоний, Маориф вазири Маъсума Вардак, «Ватан» партияси Марказий Кенгаши аъзоси, «Пайём» рўзномаси бош муҳаррири Сайд Ҳамидулла Рўғ, Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот маркази раиси Муҳаммад Ҳумоюн, «Дарафше жавонон» рўзномаси бош муҳаррири Фарух Савоб, Афғонистон вазирлар кенгаши котиби Саид Икром Пайгир ва жумҳуриятнинг бошқа бир қанча раҳбарлари билан мулоқотларда бўлдик. Улар мамлакатда кечаётган жараёнлар, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муаммолари борасида халқларимизнинг азалий дўстлигини давом эттириш ҳақида сўз юритдилар.

Қобулдаги сафар давомида хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолган учрашув Нажиб билан бўлди. Нажиб 24-25 ёшлардаги озғин йигит бўлиб, биз қўним топган «Қобул» меҳмонхонаси хизматчиси эди. У доимо тўқ жигаррангдаги фақат ёқалари ва енгининг учигина қора матодан тикилган хизматчи костюмида ғамгин юрар, бирор юмуш буюрсак, илтимосимизни тезда сидқидилдан адо этар эди.

Бир куни оқшом чоғи ишлари сийраклашганда Нажибни суҳбатга чорладим. Оиласи, ҳаёти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Отамдан етти ёшимда етим қолдим, — ҳазин сўз бошлади Нажиб. — Ёлғиз онам мени ва укам Ҳамидуллани минг азобда вояга етказдилар. Оилавий шароит кўтармаганидан таҳсилни давом эттиролмадим. Яхши одамлар мени шу меҳмонхона хизматчисилигига жойлаб қўйишди. Ойида 2000 афғоний (бизнинг пулимизда тахминан 66 сўмга тўғри келади) маош оламан. Ҳукумат яна ҳар ойда ёғ, совун, ун каби ҳаёт кечириш учун зарур нарсалар бериб туради. Касбимдан нолимайман. Куним бир нави ўтиб турибди. Сидқидилдан меҳнат қилганимдан, ҳалол ишлаганимдан менинг ҳурматимни жойига қўйишади. Ҳарбий хизматни тугатиб қайтганимдан сўнг ҳам яна шу ерга ишга олишди. Ҳамкасбларимдан бирига феълим хуш ёққани учун уйланишга қариндошининг қизини тавсия қилди. Мана тўрт ойдирки, оилаликман.

Урушда не кунларни кўрмадик дейсиз. Не-не навқиронлар хазон бўлди. Насибамиз бор экан, омон қайтдик. Ҳозир укам Ҳамидулла Хостда хизматини ўтаяпти. Уч ойдирки ундан хат-хабар йўқ. Бечора онам унинг қўйида ақлдан озаёзди. Ҳуши ўзида эмас. Ҳар икки-уч кунда ўзим Ҳамидулланинг номидан мактуб ёзиб, онамга ўқиб бераман. Ўзимнинг эса бағрим тўкилиб кетаяпти. Нега хат ёзмаяпти? Соғ-омон бормикан?..

Нимасини айтасиз. Ана шунақа гаплар, — дейди Нажиб чуқур уф тортиб.

(Давоми бор).

Ой бориб, омон қайтинг

КУЗГИ ЧАҚИРУВ. Қувонч-хавотир, севинч-ташвиш ҳаммаси ёнма-ён. Бир ёқда эса бошлиқ эшиги ёнида ёлғизини қолдиришларини сўраб ариза кўтарган ота-оналар. «Элга келган «тўй» ҳам деймиз яна. Эҳ, бу чақирувлар.. .

Бундан икки-уч йил аввал қайси матбуот нашри бўлмасин, ҳамма-ҳаммаси бу ўзига хос «мавсум»лар ҳақида тинмай ёзгани-ёзган эди. Ўзимизча тарғиботни қойиллмақом қилардик. Одамлар ҳам бизга ишонарди. Аслида-чи?

Йўқ, бугун яна «чақирув» ҳақида чорлов ёки мақтов ёзаётганим йўқ. Энди шарт ҳам эмас. Шундоқ ҳам кўпимиз оқу-қорани ажратиб олдик. Шу вақтгача бу «мавсум»лар қандай амалга оширилган, белгиланган «режа»ларни қай тарзда уддалаганимиз ҳақида гапириб ўтирмайман. Дангалини айтганда, армия халқ учун хизмат қилдими ё халқ армия учунми?... У ёғи ҳалиям ечилмаган жумбоқ.

Яхшиси, кейинги бир йил ичида бу чақирувларда қандай ўзгаришлар бўлди? Ҳали ҳам марказдан келаётган махсус қарорлар амалдами? Мамлакат ва жумҳурият президентларининг чиқарган фармонлари бажариляптими ёки?.. Шулар ҳақида икки оғиз сўз.

Тошкент вилояти чақирилув пункти. Яна таниш манзара. Пункт бошлиғи **Ориф ТЎЛАГАНОВ**ни суҳбатга тортдик.

— Ориф ака, шу йил сентябрь ойида Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Шу фармоннинг 1-бўлимида «1990 йил кузги чақириқдан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистон ССЖдан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилсин» дейилган. Ўзгаришлар сезиляптими?

— Бизга сезиляпти-ю, лекин марказдагиларга ҳали тўла етиб бормагандек. Фуқаролар яна биздан нолишади: «Фармонларни нега бажармаяпсизлар?» деб. Ҳақли талаб. Аммо олис ҳарбий қурилиш қисмларидан вакиллар келишяпти. «Шунча болани бизнинг ихтиёримизга берасизлар» деб. Қўлимизга ҳалиям қолдириш ҳақида ҳеч қандай рухсатнома расмий равишда берилгани йўқ. Куз бошланишида ҳатто Узоқ Шарқ, олис Шимол, Москва ҳудудларидаги қурилиш отрядларига чақирилувчилар юбориш ҳақида кўрсатма ҳам берилган эди. Лекин Туркистон ҳарбий мавзесидан кечагина айтишди: «Ўша вакилларнинг сафар гувоҳномаларига муҳр босиб беринглар-да, қаерга кетишса кузатиб юборинглар». Биз ҳали қурилиш қисмларига ҳеч кимни жўнатганимиз йўқ. Шу кунгача кузатганларимиз жанговар қисмларга юборилди. 15 декабрдан бошлаб қурилиш отрядларига жўнатилади.

Шундан сўнг О. Тўлаганов ҳали ҳам ечилмаган баъзи муаммоларни ўртага ташлади.

— Лекин биласизми, менга ҳар куни турли хил сабаблар билан одамлар мурожаат қилишади. Масалан: олайлик, оилада бир ўғил. Бошқалари қизлар. Шуни қолдиришга ёрдам беринг, дейишади. Бу тўғри талаб. Аммо биз буни ҳал қилолмаймиз. Қўлимизга тескари кўрсатма бериб қўйишибди. Барибир ўз жигарларимиз шулар ҳам, деб яқин ҳудудларимизда қолдиришга уриняпмиз.

Бизни қийнаётган нарсалар кўп. Қайси бирини айтайин. Ҳозиргача амал қилиб келаётган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунга энди ўзгартиришлар киритиш ва мудофаа вазири чиқарган 260- ва 280-буйруқларни бутунлай ўзгартириш керак. Юқорида айтганим бежизга эмас. Оилада тилаб олинган бир ўғил. Қизлар бировнинг хасми. Шуниям армияга олиб кетишса. Айтиб бўладими, бирор фалокат рўй берса, бу оиланинг келажаги йўқолиб кетади-ку, ахир? Шундай воқеалар рўй бермаяптими?

— Афғон уруши даврида хабарингиз бор, бир оиладан иккитасини ҳам ўша ёққа юборишган пайтлар бўлди. Ҳозир ҳам баъзи ҳарбий комиссариатларда бундай хатоликлар такрорланмаяпти, деб кафолат беролмаймиз...

— Тўғри. Яна бир хатарли нарса. Ҳар хил хасталикларга чалинган йигитларни армияга олиш-олмаслик масаласи ҳали кўриб чиқилгани йўқ. Бу касалликларнинг рўйхати узун. Сариқ, ўн икки бармоқли ичак, астма ва ҳоказолар билан оғриганлар беҳисоб. Шундайларни маълум муддатга хизматга чақирилишини кечиктирамиз, холос. Бошқа иложимиз йўқ. Кейин юборишга мажбурмиз. Худди шундай хасталиклар билан оғриганлар иқлими бизникига бутунлай тескари бўлган жойга тушиб қолса, ҳоли не кечишини тасаввур ҳам қилолмайман. Бу ҳолва. Ҳали-вери судланган, безори, «табъсига таянмаган»ларни армияга олиш давом этар экан, мен Шўро армиясида қайта қуриш бўлишига ишонмайман. Яна баҳоналар рўкач қилишади: «майда безорилик қилган, енгил ўғирликлар билан қўлга тушган». Ахир, ўғирликнинг ҳам енгили бўладими? Ундайлар армияда тарбияланадими? Армия қачон яхшиланади? Қачонки, унинг сафига соғлом, билимли, бақувват, дунёқараши кенг йигитлар олинсагина...

Ориф аканинг куйиниб айтган гапларига қўшимча қилолмаймиз. Чунки шундоқ ҳам ҳар қадамда Шўро армияси шаънига яхши гап эшитмаяпмиз. Москвада эса ҳар куни қарорлар қабул қилиб ётишибди. Ҳарбийлар фуқаролар таклиф этаётган мулоҳазаларни рад этишдан чарчашмайди. Фуқаролар эса «шонли армия»га на ишонишни биладилар, на...

Ориф ака бекорга куйинмайди. Бир ёқда чақирилувчилар, бир ёқда кузатувчиларнинг ташвиши ҳам етиб ортади. Ҳар куни шу аҳвол. Ҳар қалай жўнайдиганларга яратилган шароит дуруст. Аммо ота-оналарга қийин. Эртаю-кеч панжара ортида хабар кутиб ётишади. Улар билан ҳеч ким шуғулланмайди.

Энди темир панжара ёнида қўриқчилик қилаётган милиция кичик сержанти Ш. Суяровнинг гапини эшитинг.

— Нима қилайлик, биз ҳам буйруқни бажарамиз. Ичкарига ҳеч кимни киритманглар дейишган. Бир томони ўзбекчилик. Одамнинг кўнглига тегади бу аҳвол. Яна кўпчилик биздан нолийди. Уларниям тушуниш керак. Ўз боласини кузатяпти. Бировлари икки-уч кунлаб келади. Сарғайиб ўтиришади. Хижолат бўлиб кетаман. Эшитишимча, 60-йиллари кузатув пунктларида ҳеч қандай тўсиқ, темир дарвозалар бўлмаган экан.

Пункт бошлиғининг хонасига бир аёл кириб келди. «Ёш ленинчи»дан келганимизни эшитиб ўзини таништирди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси **Холида ҚОДИРОВА** экан.

— Кенгашимизнинг шу пунктда ҳам битта хотин-қизлар штаби ишлаб турибди, — дейди Холида опа. Аввал бундай жойлар йўқ эди. Ҳарбийлар бизни тинглашмасди ҳам. Энди эса бемалол тил топишяпмиз.

Бизни ташвишлантираётган нарса, тиббий комиссиялар фаолияти ҳали ҳам қониқарли эмас. Вилоят миқёсидаги комиссияга ишонсак бўлади, лекин ноҳияларда аҳвол аянчли. Жуда кўп касалманд болалар бу ерга келиб яна қайта кўрикдан ўтказилаётганда қайтариляпти. Жабрини ким тортаяпти? Билмадим, ноҳиялардаги комиссия аъзоларини ҳарбий комиссариат вакиллари мажбур қилишяптими ё? Бу ҳарбийларда «наряд» дейдими, режа дейдими, тушунмайман. Ахир армияга қачонгача қатъий режа асосида аскар олинади? Сони кўп, сифати йўқ армиянинг кимга кераги бор, ўзи?! «Касал экану, лекин айтилган режасини бажаролмасак, қандай бўларкин?» деб истиҳолага бориб ўтирган шифокордан нимани кутса бўлади? Шу кунгача бошимизга тушган кўргуликлар етиб-ортмайдими? Қанчалаб йигитларимиз ҳалок бўлди. Зора, энди темир тобутлар камайса...

Яна бир жиддий масала, жумҳуриятимиз ҳарбий комиссариатларида маҳаллий миллат вакиллари ҳисобли. «Тил билмаган дард билмайди» деган нақл бор. Қишлоқларга, маҳаллаларга шундайлар борса, нимани гапиришади. Ҳали шунча йил ишлаб, шу соҳа вакилларининг одамлар орасига кириб ошкора очилиб дардлашганини эслолмайман. Тўғри, учрашиб туришади, хўжакўрсинга. Ёки Туркистон ҳарбий мавзесида ҳам нуфузли вазифаларда нечта ўзбек ишлаётганини бармоқ билан санаб беришса, сира ажабланмайман.

Холида опанинг дардли сўзлари рост. Агар ҳарбий комиссариатларимизда ишлаётган ходимлар, тиббий комиссиялар аъзолари бизнинг ишончимизни оқлашганида борми, бугун юзлаб хонадонларда, тинчгина дориломон замонда азалар эмас, тўй-томошалар, ўйин-кулгилар янграрди. Минг афсуски, энди ҳеч қачон бундай мудҳиш хатоларни тузатиб бўлмайди. На илож?..

Шу куни ҳам бошлиқ қабулида кўплаб оналарни, падари бузрукворларни кўрдик. Мана уларнинг гапи:

Раҳима МИРЗАХЎЖАЕВА, Оржоникидзе ноҳиясидан:

— Беш ўғил, уч қизни вояга етказдим. 4 ўғлим армияга бориб келди. Биттаси касалманд бўлиб қайтди. Жабрини тортаяпмиз. Бешинчисини Тошкентда қолдиришсайди...

Саломат ҲАЙИТМАТОВА, Коммунистик ноҳияси, Навоий кўчасидан:

— Менинг ҳам 4 ўғлим армияда хизмат қилиб келган. Мана бешинчисини кузатяпмиз. Лекин бунисининг саломатлиги яхшимас. Қулоғи ёмон эшитади. Ноҳиядагиларга айтдик, парво қилишмади. «Хизматга яроқли» деб ёзиб беришган. Мени ниятим, боламни армиядан бутунлай қолдириш эмас. Унинг ўзи ҳам қолишни истамайди. Лекин соғлиги-чи? Агар яхшилаб даволаб жўнатишса, кўнглим тинчийди. Бехавотир яшайман-да. Майли, нон насибаси тортган жойга олиб кетсин. Фақат даволашсин. Кейин розиман...

Кутолмадик. Икки онаизор бошлиқ қабулига яхши умидлар билан кириб кетди. Биз эса тиббий комиссия кўрик ўтказаётган хоналарга йўл олдик. Комиссия бошлиғи С. Сулиндан кўрик ҳақида сўрадим.

— Икки ярим йилдан бери ишлаяпман, — дейди у. — Муаммолар кўп. Шифокорлар таркиби ишончли-ю, лекин ҳали ҳам малакали ходимлар етишмайди. Ҳозир яхши. Аввал эса тавсия этилган врачни олавергардик. Энди бошқача. Янги йилдан бошлаб доимий комиссия тузилади. Шунда анча яхши бўлади. Чунки ҳар мавсумда ўзгартириб туриш бу кўп қийинчиликлар туғдиряпти. Боиси, ҳарбий қонун-қоидаларни фуқаролар шифохонасида ишлаган шифокорларнинг тез ўзлаштириб олиши мушкул...

Барибир комиссия бошлиғининг гапларидан кўнглим тўлмади. Доимий комиссиялар тузилса, унинг таркибида бир киши борингки, беш йил узлуксиз фаолият кўрсатсин дейлик. Унинг хато қилмаслигига ким кафолат беради? Яна бир томони, комиссияга олинадиган ҳарбий тиббиёт ходимлари орасида маҳаллий миллат вакиллари менинг назаримда ниҳоятда кам. Агар икки томон — ҳам фуқаролар, ҳам ҳарбий тиббиётда ўзини кўрсатган ишончли шифокорлар комиссияга киритилса, бу бошқа гап.

Майли, бу нуфузли маҳкамалар ҳукмига ҳавола. Шундан сўнг мен С. Сулиндан тиббий комиссия хулосасига кўра армиядан қолдирилган чақирилувчилар рўйхатини сўрадим. Қўлимга каттакон қалин дафтарни тутқазди. Кўз югуртираман.

...Б. Парпиев,
А. Иванов,
Ш. Аббосов,
Э. Обидов.

К. Бобохўжаев ва ҳоказолар...


Бу рўйхат жуда узун. Яна ўнлаб йигитларнинг исм-фамилияларини келтиришим мумкин. Аммо бундан не наф? Минг бора шукрки, бу йигитлар жанговар қисмларга жўнашлари керак эди. Бундай қисмларда хизмат қилишнинг қанчалик оғир-енгиллигини айтмасак ҳам бўлади. Хайрият, вилоят чақирилув пунктининг тиббий комиссияси таркибига кирган малакали шифокорлар уларнинг армияга боришини кечиктиришди. Агар улар ҳам режа дея истиҳола қилиб «ҳарбий хизматга яроқли» сўзини ёзиб юборишганида борми, у ёғи қандай тугашини тўғриси, мен тасаввур қилолмайман...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

* * *

АСКАРЛИК ОСТОНАСИ









СУРАТЛАРДА: Тошкент вилояти чақирилув пунктининг бир кунлик фаолиятидан лавҳалар.

Жўра БОБОРАҲМАТ
суратлари.

Аскар бурчаги

ЖАНГЧИ МАКТУБЛАРИ

Қўлимизда учта мактуб. Қайси бирини тўлиқ эълон қилишни билмадик. Боиси... Бирида яхши, бирида акси. Балки не-не маҳкамалар номига хат йўллаб, илинжи бўлмагач бизнинг рўзномамиздан мадад кутишаётгандир. Таҳририят бу мактублардан парчалар эълон қилишни лозим топди. Сўнгра уларни тегишли жойларга йўллаймиз. Зора, ҳақ қарор топса...

БИРИНЧИ МАКТУБ

Қадрли «Ёш ленинчи»!

Бу тўртинчи хатим. Бошқалари балки етиб бормагандир. Кимга арз қилайин энди. Ҳеч ким тингламади. Агар имкон бўлса Ўзбекистондан бизнинг қисмимизга делегация юборинглар. Аҳволимизни, қандай хизмат қилаётганимизни кўришсин. Армияга келиб ҳар бир қадамимизнинг қадри нечоғли қимматли ва арзон эканлигини тушундим.

Бор гапни ёзганим билан кўплар ишонмас, ёзиб чиқармассизлар ҳам. Кўп ўйладим. Дўстларим қўллашди.

Оддий аскар
НОРТОЖИЕВ.
Одесса вилояти.

ИККИНЧИ МАКТУБ

«Бизни шу йилнинг май ойида ҳарбий хизматга — Камчаткага олиб келишди. Ҳаммамиз Фарғона вилоятиданмиз. Боплаб алдашган экан. Сабаби «денгиз флотига борасизлар» дейишган эди вилоят ҳарбий комиссариатида. Мана «денгиз флоти». Хизматимизни фермада «ўтаяпмиз». Ахир эсон-омон уйга қайтиб борсак, одамларга нима деймиз. «Камчатканинг молини боқдик, сигирини соғдик» десак, устимиздан кулишмайдими? Хўш, ҳарбийларнинг шундай нияти бор экан, нима, Ўзбекистонда фермалар йўқмиди? Яна ўйламанглар, «қийинчиликлардан қўрқиб шикоят ёзишибди» деб. Йўқ, асло. Бизнинг йигитлик ғуруримиз бунга йўл бермаяпти...

Салом билан:
Р. ТУХТАСИНОВ,
Т. ХОЛМАТОВ,
С. ЖЎРАЕВ ва бошқалар».

(Жами 9 имзо).

УЧИНЧИ МАКТУБ

Бу мактубни олис Русиядан сизларга ўз ҳамюртларингиз йўллашяпти. Биз хизмат қилаётган ҳарбий қисмда, кўп жойларда ташвиш билан ёзилаётган хавотирли ҳолатлар деярли содир бўлмайди. Ҳамма миллат вакиллари бир ота-она фарзандларидек бўлиб яшаяпмиз. Ахир икки йил ҳам ҳисобли. Ундай кўнгилсиз гап-сўзларга бориб юриш инсофданмас. Яқинда бизнинг қисмда ўзбек миллий кутубхонаси ташкил этилганида бошқа дўстларимиз ҳам роса суюнишди. Ҳатто тушунмаса ҳам улар биздан қизиқ-қизиқ мақолаларни таржима қилдириб эшитишади. Бу хайрли таклифни биринчи марта катта лейтенант Алексей Гордиевский ўртага ташлаганида кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Ҳозир сира зерикиш йўқ. Мазза қилиб китоб, рўзномалар ўқиймиз. Агар имкони бўлса, сизлар ҳам кутубхонамиз учун ёрдам беринглар.

Салом билан:
С. ҲУСАНОВ.
Олтой ўлкаси.



Ихлоси борларни даволайман

У безовта эди. Хиралик тумани қоплаган маъсума қалбида аллақандай ғалаён шамоллари эсиб турар, гоҳида ташқи томондан тушган зарбдек, бирданига бутун танасини бор бўйича ларзага келтирарди. Ёш, соғлом қиз бунинг қандай сир-синоати борлигини идрок эта олмас, сертугун ва минг бир жумбоқли ўйларининг ҳувиллаган сарҳадларида, чўлда қолган йўловчидек, адашиб юрарди. Нега бундай бўляпти? Бу нима ўзи? Уни эртанги ҳаёти, бахти, соғлиғи ташвишга солар, ҳаммаси яхшиликка буюрсин-да, деб қўярди гоҳида.

Дунёда ҳар нарса ўткинчи. Ниҳоят, ташвиш деворлари қулади. Машҳур сўз сеҳргари Кашпировскийнинг биринчи муолажасидан кейин танасидаги биоқувватнинг ошаётганлигини сезди. Иккинчи муолажа пайтида ўйлагани бўлди: ҳарчанд уринмасин, ўзини тутиб қололмади — ҳушидан кетди. Уйдагиларини ҳам анча шошириб қўйди.

Энди ҳаммаси унга аён эди: танасидаги биоқувватни сарфламаса, беморларни даволаб турмаса, тинч яшолмайди. Қолаверса, табиат шундай фазилатни раво кўрган экан, энди, уни бажариш, адо этиш бўйнидаги ҳам фарз, ҳам қарздир.

Анорхоннинг бундан кейинги ҳар бир қадами азобли бўла борди: совуқ сувга қўл теккизолмас, дазмолни ушлолмасди, ойнаи жаҳонга яқин келди дегунча, чарсиллаб ўт чиқар, танаси электр қуввати таъсир кўрсатгандек титрарди. Шу тариқа муолажани бошлолмай анчагача сарсон-саргардон бўлиб юрди.

Ўша кунлари отасининг тоби қочган, **бели оғриб кўрпа-тўшак қилиб ётарди.**

— Дадажон, мен Сизни даволамоқчиман, — деди бир куни.

Ота мурғак қизининг сарғайган юзига боқди. «Катта дўхтирлар турганда сенга йўл бўлсин», демоқчи ҳам бўлди, лекин озор чекиб, куймаланиб юрган фарзандининг дилини қайта оғритишни истамади шекилли:

— Майли, она қизим, даволай қол, зора шифо топсам,— деди бир ишониб, бир ишонмай.

Муолажа бошланди.

Ўз ишидан шодланган ва енгил тортган Анорхон ҳар куни бир гапни қайта-қайта такрорларди:

— Дадажон, Сиз албатта тузалиб кетасиз. Фақат менга ишонсангиз бас. Кишида соғайиш учун ихлос ҳам бўлиши керак.

Отаси унинг ширин гапларидан юмшоқ жилмайиб қўяр, лекин айтарли бир нима демас эди.

Кунлар ўтди. Ота дарддан фориғ бўлиб, оёққа турди.

— Қўлинг дард кўрмасин, қизим, — деди шодланиб.— Аввал ишонмаган бўлсам ҳам, энди ишонаман. Худо сенга шундай мурувват кўрсатибдими, одамларга хизмат қил, элнинг савобини ол. Олтин олма, дуо ол, дейдилар, она қизим.

Кўпни кўрган, кўпни билган отанинг оқ фотиҳаси унга қувват бағишлади. Безовталиги йўқолиб, ўзини енгил, эмин-эркин сеза бошлади.

Лекин ҳалигача тор қобиқларига ўралашиб қолиб, заҳ ҳиди анқиб турган фикрларидан соқит бўлмаган кишилар кўп орамизда. Улар учун бундай ишлар, бундай янгиликлар — даҳшат, қанақадир қўрқинчли, таҳликали.

Анорхон ана шундайларга дуч келиб, вилоятда анча овора бўлгач, Тошкентга келиб, Абу Али ибн Сино номидаги илмий-методик марказда дастлабки кўрикдан ўтди. Ҳақиқатан ҳам унинг танасида одам, инсон соғлиги учун зарур бўлган биоқувват борлиги аниқланди. Шу йилнинг март ва май ойларида 150 дан ортиқ беморни даволаб кўрди. Улардаги астма, юрак санчиши, бод, бел оғриқ ва бошқа касалликларнинг тезроқ тузалишига ёрдам кўрсатди.

«Мен 1960 йилда туғилганман, — деб ёзади Андижон шаҳар Жуковский кўчасида истиқомат қилувчи Олимжон Хўжаев. — Касалликка чалиниб, етти йилдан буён бормаган касалхонам, учрамаган, кўринмаган дўхтирим қолмади ҳисоб. II Андижон, Қайрағоч кўчаси, 59-уйдан бир қиз чиқибди, деб эшитдим. Ҳозиргача етти марта Анорхон синглимиз қабулида бўлдим. Шуларнинг борига шукр, шифо топаяпман».

Унинг ҳамшаҳри, Тожик кўчасидаги 67-уйда истиқомат қилувчи Махфират Орзибоеванинг хати ҳам шу мазмунда. Астма касаллиги исканжасида кўп йиллардан буён жони қийноқда экан. Анорхоннинг муолажаларидан сўнг нафас қисилишидан тамом қутулибди.

Бундай мазмундаги миннатдорчилик мактубларини кўплаб келтириш мумкин. Муҳими одамларнинг ўзлари одамларнинг жонларига оро киряпти. Анорхонни экстрасенс бўлади, деб ҳеч ким, ҳаттоки ўзи ҳам хаёлига келтирмаган эди. Унинг бундай нозик ишларга сира-сира даъвогарлиги йўқ эди. «Бешинчи синфда ўқиётганимда ғалати бир воқеа юз берганди, — дейди у. Мактабдан қайтаётган эдим. Яқин орада мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бир пайт: «Ҳой, тўхта, қизим, сенга гапим бор» деган овоз эшитилди. Ортимга қарасам, оқ эшак минган, оқ саллали чол. Нотаниш кишидан қўрқдим. Додлаганча уйга қараб қочдим.

Еттинчи синфда ўқиётганимда яна шу ҳол такрорланди. Бу сафар қочмадим. «Қўрқма, қизим, мен сенга ҳеч қанақа ёмонликни истамайман» — деди. Беихтиёр қўлларим унга томон чўзилди. «Қизим, — деди у яна. — Ёшинг улғайгач, яшаш бироз қийинлашади. Эҳтиёт бўлишинг, имонингни бутун тутишинг, доимо ҳалол, покиза юришинг керак. 17 ёшингда ҳаётингда бурилиш бўлади, кейин анча тушкунликка тушасан, ўн тўққиз ёшингда эса ажиб бир ҳолатга дуч келасан».

Туну кун шу тўғрида ўйлаб юрардим. Ҳаётим бошқаларникига ўхшамасди назаримда. Гўё мен оқ ҳарир парда ичида яшаётгандек эдим. 17 ёшимда турмушга чиқдим. Ажрашдик. Ҳозир битта қизим бор. Исми Севара. 19 ёшимда эса... одамларга керак бўлдим. Кимки ихлос билан олдимга келаётган экан, қўлимдан келган ёрдамимни аямаяпман. Одамларга керак бўлаётганимдан мамнунман. Ўз йўлимни, бахтимни топгандайман. Менга бундан бошқа яна нима керак.

Айни кунларда Анорхон Исроилова Андижон ноҳияси маданият бўлимида меҳнат қиляпти.

Тўлқин ҲАЙИТ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

6 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Болалар учун фильмлар: «Кичик йилқибоқар», «Сеҳрли паровозча». 12.00 «Революция вакколати билан». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Анҳор бўйида». Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 19.00 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ҳожиакбар Ҳамидов ва Дилором Шукуржонова концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Маърифатнома». 21.20 «Бухороий шариф». Манзарали фильм. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Мерос». «Бобурнома»нинг 460 йиллигига. 23.00 Кино... Кино... Кино... 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

17.55 Сиёсий мулоқотлар. «Вазият». 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. «Иқтисодиёт ва экология». 20.10 В. Третьяков раҳбарлигидаги ССЖИ Давлат камер оркестри чалади. 20.20 «Омега» варианти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Вақт».

«Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранида

22.00 «Ниқобни очиб қара». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 22.40 Муаллифлик телевидениеси «Телескоп». 00.10 «ТСН». 00.25 «Танишиб олайлик». «Парнас сари бир босқич». Халқаро телевизион фестиваль III тур. 01.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

● МТ II

17.25 «Леопольд ва олтин балиқча». «Мушук Леопольднинг қасоси». Мультфильмлар. 17.55 «Рақсга бахшида умр». ССЖИ халқ артисти Н. Бессмертнова иштирокида фильм-концерт («Экран»). 19.00 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 «Бу ғаройиб шведлар». Швециянинг Вестерос шаҳри спорт ҳаёти ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...» 20.45 Коллаж. 20.50 «Турначалар». Телевизион ҳужжатли фильм (Владикавказ, Махачқала). 21.15 «Пилапоя бўйлаб юқорига». Телефильм. 21.25 «Кўҳна вулқон этакларида». Телевизион ҳужжатли фильм. Уралнинг гўзал ва манзарали олами ҳақида (Пермь). 21.40 П. И. Чайковский номли Москва Давлат консерваторияси студентлари хорининг концерти. 22.00 «Юлдузи-юлдузига тўғри келмади». Телевизион бадиий фильм. 23.20 «Биз қамални ёриб чиққанмиз». Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28628.